ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

27 январь, сешанба 1998 йил №11 (513)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

УШБУ СОНДА:

САВДО КЎНГИЛДАГИДЕК БЎЛСА...
2-БЕТДА

ЙИГИТЛИК ҚАДРИНИ ЕРГА УРМАНГ
3-БЕТДА

ЧЕМПИОНЛАР ОРАМИЗДА, БИРОҚ...
4-БЕТДА

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!

Таваллудингизнинг олтмиш йиллиги муносабати билан Хиллари ва менинг самимий қутловларимиз ҳамда Сизнинг бундай таваллуд кунларингиз имкони борича кўп бўлаверсин, деган эзгу тилакларимизни қабул айлагайсиз.

Сиз умрингизнинг бу таваррук босқичига етиб келган кунларингиз, Ўзбекистоннинг 1991 йилдан буён эришган кишини лол қолдирадиган ютуқларига назар ташлаш учун бирозгина фурсат топарсиз, деб умид қиламан.

Хиллари ўтган йил ноябрь ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган чоғида Сизнинг самимий меҳмондўстлик кўрсатганлигингизни ҳаяжон билан эслайди. Унга Ўзбекистонда тақдим этилган ажойиб совғалар учун Сизга шахсан ташаккур изҳор этишдан бахтиёрман.

Янги йил Сиз учун янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат йили бўлишидан умидворман.

Камоли эҳтиром ила,

Уильям Ж. КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.

Қарор ва ижро

«АЛПОМИШ»–МИЛЛИЙ ИФТИХОРИМИЗ

Ўтаётган ҳар бир кунимизда мамлакатимиз ва халқимизнинг туб манфаатларига алоқадор бирор воқеа содир бўлмоқда ёки тарихан муҳим бир қарор қабул қилинмоқда. Бу — мустақил ривожланишимиз самарасидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори ҳам юртимизда содир бўлаётган ана шундай долғали ўзгаришлар оқимида алоҳида ўрин тутадиган катта воқеа бўлди. Шунинг учун ҳам уни илмий-ижодий жамоатчилик, бутун халқимиз катта хайрихоҳлик билан кутиб олди...

Фольклоршунослигимиз тарихида биринчи марта бундай кенг кўламли қарор қабул қилинишининг аҳамиятини идрок этиш учун яқин ўтмишда содир бўлган биргина воқеага назар ташлаш кифоядир. Узоқ эмас, 1952 йилда «Алпомиш» достони қатагон қилиниб, уни ўқиш, у ҳақда ёзиш маън этиб қўйилган, достон ҳақида тадқиқотлар олиб борган олимлар қувғин остига олинган эди. Узоқ йиллар давомида бундай ғайри илмий, ғайри инсоний ҳаракатларнинг олдини олиш жуда оғирлик билан кечди. Ҳатто достоннинг тўла нашрини амалга ошириш имконияти ҳам бўлмади.

Юртимиз мустақил тараққиёт йўлига киргандан кейин бунга кенг имкониятлар очилди. Бугун эса, бир достон мисолида миллий-ижодий фаолиятимизнинг барча жиҳатларини қамраб олган муҳим дастурий ҳужжатга эга бўлиб турибмиз.

Ҳа, ушбу қарор чиндан ҳам дастурий характерга эга. Қарорда кўрсатилгандек, «мустақил ривожланиш даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғониш, миллий ғурур ва ўз-ўзини англаш рамзига айланган» бир достон мисолида Президент, Ҳукумат бизнинг диққатимизни яна бир бор маънавият масалаларига қаратди.

«Алпомиш» достони ўзининг барча жиҳатлари билан жаҳоннинг «Илиада», «Одиссея», «Маҳбҳорат», «Рамаяна», «Шоҳнома» каби буюк эпослари билан бир қаторда турадики, бизнинг бу достонга юз буришимиз, унинг 1000 йиллигини умумҳалқ байрами сифатида нишонлашимиз ўзимизни жаҳоний тафаккурга мослаётганимиздан, жаҳон тараққиёти билан ҳамқадам ривожланаётганимиздан дарак беради. Қарорда «Алпомиш» достонининг аждодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутиши» махсус таъкидланганлигини ва энг муҳим тадбир сифатида уни ўрганишга бағишланган халқаро конференция ўтказиш ҳузда тутилаётганлигини ана шу йўналишда баҳолаш зарур.

Зеро, қайси бир халқ ўз аждодлари қолдирган меросдан фахрланиб, жаҳоний миқёсда унинг қадрига етаётган экан, бундай халқни ҳеч қандай куч енга олмайди. Бундай халқ улкан ишлар қилишга буюк келажак яратишга қодирдир. Ўзбек халқи ўлмас достонлари, беназир ёзма адабиёт намуналари, бугунги бунёдкорлик ишлари билан ўзининг ана шундай халқ эканлигини амалда исботлади.

Қарорда «Алпомиш» достонининг тўла, академик, танланма, хорижий тиллардаги нашрларини амалга ошириш, унинг сюжети ва мотивлари асосида театр спектакллари, адабий-бадиий композициялар, ҳужжатли, мультипликацион, бадиий, видео, телефильмлар яратиш, фольклор-этнографик кургазмалар, замонавий дам олиш иншоотлари ва кичик спорт майдонларига эга бўлган «Алпомиш» боғларини ташкил этиш, почта маркалари, открткалар, конвертлар туркумини чиқариш, фольклор асарлари ижрочиларининг курик-танловларини миллий спорт ўйинлари — Алпомиш ўйинлари фестивалини ўтказиш, «Ўзбек фольклори ёдгорликлари» 100 жилдлигини чоп этишга тайёргарлик кўриш каби кенг миқёсли тадбирларни амалга ошириш ҳузда тутилган. Бу нарса халқ эпосининг тарихий асослари, сюжет тизимининг шаклланиш босқичлари, достончилик мактабларининг асрий анъаналари ва бахши ижрочилигининг бугунги ҳолати муаммоларини, «Алпомиш» достони мисолида, жаҳон халқлари жумладан, туркий халқлари эпик ижодиётидаги генетик, контакт, ўзаро алоқаларни ҳар томонлама ўрганишга кенг имкониятлар очади. Мазкур ҳукумат қарорининг изчил ижро этилиши мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган фольклор-этнографик дасталар, бахшилар, ҳалфалар, лапарчилар, қўшиқчилар, халқ театри намоёндаларининг ижодий усулларига реал шароит яратиб, уларнинг курик-танловлари, фестивалларини ўтказишдан муайян изчиллик эришиши имконини беради.

«Алпомиш» достонининг кенг ўрганиш ўзлигимизни, ўз қудрат ва буюклигимизни англаш демкдир. Ушбу қарор ва маънавият соҳасида қабул қилинган бошқа қарорлар бизни буюклик билан уйғунлаштиради, ўз илдизимиздан кучқувват олиб, дунёга янгича назар ташлашимизга даъват этади. «Алпомиш» достони бизни умумбашарий ғоялар ва орзулар асосида яшашга ўргатади. Мустақиллик мафкураси ҳам аввало ўзликка боқишдан, ўз-ўзини таниш-дан бошланади. Чунки фольклор миллат қиёфасини ўзида тўла сақлаб, бугунги ўтмиш билан чамбарчас боғлаб келаётган ўзига хос феномендир. Қарорда фольклор меросини авайлаб-асраш ва авлодларга тўла етказиш» зарурлиги алоҳида таъкидланаётганлиги ҳам ана шундандир.

«Алпомиш» юбилейининг «ЮНЕСКО шафелигида жаҳон миқёсида нишонланаётганлиги халқимиз ижодий даҳосига берилган юксак баҳодир. Зеро, буюк миллат тушунчаси у етиштирган жаҳоний сиймолар, у яратган тафаккур дурдоналари билан белгиланади. «Алпомиш» достони шубҳасиз буюк халқнинг буюк ижодиёти намунасидир.

Т. МИРЗАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Рим Папаси Иоанн Павел Иккинчи ўзининг Кубага қилган ташрифини юқори баҳолади. Ташриф давомида қилган маърузаларида Рим Папаси Куба раҳбарияти мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилишга янада катта эътибор бериши лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, Иоанн Павел Иккинчи АҚШнинг Кубага қарши иқтисодий жазо чоралари бекор қилиниши кераклигини айтиб утган. Унинг фикрича, бу жазо чораларидан Кубанинг оддий халқи азоб чекмоқда.

* * *

Европа мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари яқин орада қўшма анжуман ўтказишга келишиб олдилар. Учрашувда Жазоирдаги хунрезлик ҳолларини бартараф этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

* * *

Жазоирдаги хунрезлик эса тобора кучайиб бормоқда. Ушбу шимолий Африка республикасида сўнгги икки кун ичида ҳам қатор террорчилик жиноятлари содир этилган. Бир қанча ғарбий Осиё давлатлари Жазоирга бу хунрезликларни тугатиш ишида ёрдам беришга интилмоқдалар. Аммо Жазоир ҳукумати буни мамлакатнинг ички ишларига аралашув деб билмоқда.

* * *

Шри-Ланкадаги Будда ибодатхоналаридан бирида кучли портлаш рўй берган. Жиноятчилар портлаш мосламасини енгил автомашинага жойлаштирган эканлар. Ибодатхона ҳовлисига киритиб қўйилган машина портлагач, бу ерда ибодат учун келган 11 киши ҳалок бўлган.

* * *

Грузия ҳукумати ўзининг Италиядаги элчихонаси ходимларини зўдлик билан чақириб олди. Маълум бўлишича, Римдаги грузин элчихонаси ходимлари ва ҳатто Фавқулодда ва Мухтор элчининг ўзи қаллоблик ишлари билан шуғулланар эканлар. Улар элчихона учун ажратилган Грузия давлати маблағларини шахсий манфаатлари йўлида ишлатиб қўйибдилар.

* * *

АҚШда Президент Билл Клинтон шахси атрофидаги шов-шувли жараён ҳамон давом этмоқда. Президент Оқ уй маҳкамаси ходимаси билан жинсий алоқада бўлганликда айбланмоқда. Билл Клинтон маҳкама хизматчиси — Моника Левинскига нисбатан яхши муносабатда бўлганини яширмаса-да, у билан жинсий алоқада бўлганини қатъий инкор этмоқда.

* * *

Фаластин мухторияти Президенти Ёсир Арофат Яқин Шарқ ва Форс қўрфази мамлакатлари бўйлаб сафар қилди. Арофат ушбу мамлакатлар раҳбарларини ўзининг яқинда бўлиб ўтган АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашуви натижалари билан таништирди.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

БУХОРО ПИЛЛАСИГА ТАЛАБ ОШМОҚДА

Мустақиллик боис юртимиз билан хорижий давлатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар, айниқса, савдосотиқ ишлари кенг ривож топаётган бугунги кунда бухоролик пиллакорлар илгариги шуҳратларини яна қайта тиклаш, ҳом — ашё салмоғи ва сифатини тубдан ошириш сари ҳаракат қилишга киришдилар. Ўтган даврда вилоятда ишда сезиларли силжишларга эришилгани сир эмас.

Пиллачилик ҳамон қишлоқ хўжалигининг сердаромад тармоғи бўлиб қолаётир. У халқ хўжалигининг энг устивор соҳаси сифатида тараққиёт йўлининг асосий йўналишини белгилаб бермоқда.

- Бухоро воҳаси,-дейди биз билан суҳбатда вилоят пиллачилик кенгашининг раиси, тажрибали мутахассис Қаҳҳорхон Явқочдиев.- ўзига хос тажриба мактабини яратган минтақалардан бири сифатида республикага донг таратмоқда. Йўқса, бу ерда қисқа фурсатда аҳвол тикланиб, ютуқлар салмоғини кескин оширишга эришиб бўлмас эди.

Келинг, шу ўринда фикримизни рақамлар орқали асослаб беришга ҳаракат қилайлик. Вилоятда Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги қийинчиликларга қарамай (қоғоз, ёғоч материаллари тақчиллиги) ҳар қутидан 55-60 килограммдан кам ҳосил олингани йўқ.

1995 йилга келиб ялпи пилла салмоғи 2200 тоннадан зиёд, 1996 йилда 2300 тонна, ўтган йилда эса 2620,5 тонналик довон эгалланди. Қурт боқишдаги Жондор тажрибаси кенг қанот ёзди. Яъни охирги ёшда анча ҳажмда ёғоч ҳамда қоғоз кераклиги заруратидан тамомила воз кечилиб, қуртларни горизонтал қияликда ердан бинонинг шифтига томон ҳам буйига, ҳам энига боқиш йўлга қўйилди. Бу усул иқтисодий самара беришгина қолмай, пиллакор меҳнатини анча тежаш, уни сукчак остига қириб ҳаво алмашинувини йўлга қўйиш учун 2-3 маротаба қурт ғанасини тортиш азобидан, ташвишидан халос этди. Яна бир афзаллик жойи шундаки, бу усулда ишни ташкил этиш эвазига вилоятда тола сифати бирмунча яхшиланди. Шу боисдан ҳам вилоят ҳом ашёга, аниқроғи ипагига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бораяпти. Эндиликда ипак харид қилувчиларнинг кети узилмайди.

Ўтган даврда жондорлик пилла усталари 260 тонналик маррадан 340, гиждувонликлар 350-400 тонналик маррадан 450-500 тонналик даражага, Қоракўл, Шофиркон, Бухоро туманлари ипакчилари эса 330-350 тонналик чўққини ишгол этишга эришдилар. Гиждувонлик Мастура Шарипова, Қоракўл туманидан Угилой Ражабова, шофирконлик Робия Шодмонова, Ромитан туманидан Олима Ҳамдамова, жондорлик Робия Тошева, пешкунлик Назира Ҳодиеваларга ўхшаш довруғли пиллакорлар ўз меҳнат муваффақиятлари элни, юртни қувонтириб келмоқдадар. Энг муҳими, улар етиштирган қимматли ҳом ашё оилани тўкис ва фаровон яшаш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Вилоят миқёсида ҳар йили ипак қурти боқиш мавсуми олдидан белгиланган шартномада ҳузда тутилган ҳосил қийматининг 25 фоизи миқдорида ҳақ, олдиндан тўпланиб, ҳом ашё топширилгач, 2-3 ҳафта нари борса 1 ой орасида звенолар билан тўла-тўкис ҳисобкитоб қилинаётир. Юқори сифатли «кумуш тола» етказиб берган юзлаб, минглаб звенолар ўз меҳнатларининг самарасини кўриб, соҳани янада юксалтириш учун астойдил елиб-югурмоқдалар. Ҳозиргача бу ерда пиллакор билан 1997 йил сарҳисоби тўла-тўкис поёнига етказилди, тармоқ меҳнатчиларига дурустгина ҳақ (килосига 65-70 сўмгача) тўланиб, аллақачон ора очилди. Ҳатто вилоятдаги айрим туманларда пиллачилик звеноларига мавсумда сарфланган электр энергияси, ўз шахсий иморати транспорт воситалари, газ, водопроводдан фойдаланган учун пиллачилик идораси оз бўлса-да қўшимча маблағ тўлаш жорий этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Келгусида ушбу тадбирларни ҳамма ерда кенг жорий этиш йўллари изланмоқда. Бу, бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим омилидир.

- Биласизми, Бухоро тажрибаси ҳақида тўхталганда мен яна бир нарсани тилга олган бўлур эдим,- сўзида давом этади Қ.Явқочдиев,- у ҳам бўлса вилоятда бу ишга мавсумий ҳолат деб қаралмаслигидадир. Бизда йил якунланмасданоқ натижалар чўқур таҳлил этилиб, келгуси истиқболларни белгилаб олиш одат тусига кирган. Бунда тегишли вазирликлар ва бирлашма вакиллари, етакчи мутахассислар мадади билан бирга вилоят ҳокимлигининг бегараз кўмаги ва амалий ёрдамини алоҳида таъкидлаш зарур. Пиллакорлар билан бўладиган қизғин баҳс ва музокараларда ташаббускорона ҳаракатларга кенг йўл очилади.

Ҳа, раиснинг эътироф этишида жон бор. Мана бир ойдирки, вилоят ҳокимининг махсус қарори асосида соҳа мутахассисларидан иборат гуруҳ (раҳбари вилоят ҳокимининг ўринбосари Замира Абдуллаева) жадал ҳаракат қилаётир. Гуруҳ аъзолари туманларда бўлишиб, ҳозирданоқ бўлғуси мавсум тараддудини ҳар томонлама жонлантириш чора-тадбирларини белгиламоқдалар. Қиш ва баҳор ойларида вилоят бўйича 2600 минг дона кўчат ўтказилади.

- Яна бир диққатга молик жиҳат шундаки, тармоқда Президентимиз талаб ва кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда янги иш ўринлари барпо этиш, қишлоққа саноатни етаклаш борасида ҳам сезиларли ўзгаришлар қилинаётир. Ўтган даврда туманлардаги мавжуд 23 та пилла қабул қилиш пунктларида ҳом ашёни қайта ишлайдиган қўшимча 4 та цех барпо этдик. Уларда 250 га яқин киши иш билан таъминланди. Шунингдек, Жондор туманида жадал сўръатларда тикланаётган «Ўзбек-Хитой «Ҳадан» қўшма корхонасини шу йилнинг биринчи ярмида фойдаланишга топширишни кўзлаб турибмиз. Бу корхонани ишга тушириш яна 50 та ўринларини яратишга имкон беради. Корхона сифатсиз чиқит пиллаларни қайта ишлашга мўлжалланган бўлиб, етарли миқдордаги ҳом ашёга эга: дея ўз фикр-мулоҳазаларини якунлайди раис.

Энди тармоқ ривожига тўртки бўлиши мумкин бўлган омиллар хусусида икки оғиз сўз. Маълумки, етиштирилган пилла ҳосили асосан Бухоро шаҳридаги пиллакашлик фабрикасида қайта ишланади. Маҳсулот вилоятдаги туманлардан унлаб юзлаб километр масофадан ташиб келтирилади. Бунинг устига мазкур корхонада ишловчиларнинг кўпчилиги чекка туманлардан. Уларни албатта транспорт воситаси ёрдамида ҳар куни ташиб келтириш ва жой-жойига қайта олиб бориш зарур. Бу ҳам ўз навбатида анча сарф-харажат дегани.

Энди Президентимиз саноатни қишлоққа кучириш ғоясини илгари сураётган бугунги кунда фабрика филиалларини сира кечиктирмай пилла қабул пунктларига кучириш фурсати келди. Лекин вилоят пиллачилик кенгаши масалани ўзича ҳал қилиш имконига эга эмас. Чунки пилла хомашёсини етиштириш Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига, фабрика ва Енгил саноат вазирлигига қарайди. Дастгоҳларни туман пунктларига кучириб, фабрикани замонавий воситалар билан қайта жихозлаш ва шу тариқа Бухоронинг довруғи оламга машҳур атласини тўқиб чиқариш учун ҳозирча икки ирмоқдаги пиллачилик тармоғини зўдлик билан ягона тизилмага бирлаштириш тақозо этилади.

Бу борада мутасадди ўртоқлар, албатта бир тўхтамга келадилар, деб умид биллдирамиз. Шунингдек, қўйи босқичда пиллакор даромадидан чегириб қолинаётган турли харажатлар миқдори масаласи қайта кўриб чиқилса ёмон бўлмасди. Чунки 45-50, баъзида 50-55 фоизлик чегиришлар жойларда билдирилаётган ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётир.

Усмон НАВРЎЗ,
Бухоро вилояти.

Ш. Рашидов туманидаги Ш. Рашидов номли деҳқон хўжалиги бирлашмасининг «Ғолиб» ширкатида техника таъмирлаш ишлари тугатилди.

Суратда: механизатор Ш. Идиқулов.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Узбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 27 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	54,65
1 Австрия шиллинги	6,49
1 Англия фунт стерлинги	136,78
10 Бельгия франки	22,20
1 Голландия гульдени	41,18
10 Греция драхмаси	2,87
1 Дания кронаси	12,00
1 БАА дирхами	22,14
1 АҚШ доллари	81,32
1 Миср фунти	23,85
1 Ирландия фунти	116,12
1 Исландия кронаси	1,13
10 Испания песети	5,40
100 Италия лираси	4,69
1 Канада доллари	56,12
1 Хитой юани	9,82
1 Қувайт динори	267,50
100 Ливан фунти	5,33
1 Малайзия рингтити	18,06
1 Германия маркаси	46,41
1 Норвегия кронаси	11,14
1 Польша злотийси	23,32
10 Португалия эскудоси	4,55
1 Сингапур доллари	46,44
1000 Туркия лираси	0,38
1 Финляндия маркаси	15,35
1 Франция франки	13,86
1 Швеция кронаси	10,35
1 Швейцария франки	57,11
1 ЭКЮ	90,06
10 Жанубий Корея вони	0,49
10 Япония иенаси	6,50
1 Россия рубли	13,51
1 Украина гривнаси	42,53
1000 Беларусь рубли	2,59
1 Эстония кронаси	5,80
1 Латвия лати	136,21
1 Литва лити	20,33
1 Қозоғистон тенгеси	1,06
1 Қирғизистон соми	4,46

Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ўзбекистон ва жаҳон

ҲАМКОРЛИКИНГ УФҚЛАРИ КЕНГ

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Чехия Республикасига илк бор расмий сафар қилганига бир йил тўлди. Биз Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Бедржих Копецки билан учрашиб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қирралари ҳақида суҳбатлашдик.

— Жаноб элчи, газетхонларимизга Чехия Республикасининг бугунги ҳаёти, мамлакатингизнинг Европа ҳамжамиятида тутган ўрни ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бажонидил. Чехия — Марказий Европадаги ривожланаётган давлатлардан биридир. 1993 йилнинг 28 октябрь куни собиқ Чехословакия таркибидан чиқиб, мустақил Чехия давлати мақомига эришгач, мамлакатимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳамда мустақил тараққиёт йўлидан дадил одимлади. Бугунги кунда Чехия собиқ социалистик лагерь республикалари бўлган Болгария, Руминия каби давлатлардан фарқли ўлароқ, иқтисодий ривожланишда юқори кўрсаткичларга эришди, муҳими, мамлакатда сиёсий барқарорлик ва тинчлик ҳукм сурмоқда. Шу жиҳатлари билан Чехия Узбекистонга жуда ўхшаш давлатдир. Узбекистон Марказий Осиё минтақасида етакчи ўринга эга бўлганидек, Чехия Республикаси Марказий Европада нуфузли ўринга эга. Бугунги кунда Чехияда оғир ва енгил саноат жадал ривожланмоқда, Айниқса, кийим-кечак, пойафзал ишлаб чиқариш тармоқлари, фармацевтика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалигида катта муваффақиятларга эришилмоқда. Иқтисодий ва молиявий юксалишимизда албатта хорижий сармоялар оқимининг аҳамияти жуда катта. Бир сўз билан айтганда, Чехия мустақил тараққиёт ва иқтисодий юксалиш йўлидан дадил одимламоқда. Давлатимиз халқаро ҳамжамиятга тобора чуқурроқ интеграциялашувни ўзига олий мақсад қилиб олган.

— Энди Чехиянинг Ўзбекистон Республикаси билан йўлга қўйган алоқалари мавзусида тўхталсангиз.

— Узбекистон ва Чехия ўртасидаги алоқалар 1993 йилдан бошлаб ривожланиш йўлига кирди. Шу йили икки давлат ўртасида дипломатик муносабатларга асос солинди. Мамлакатларимиз турли соҳаларда ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқлилик асосида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Биз, чехлар, Узбекистон ва Чехия ўртасидаги муносабатлар равнақига катта эътибор қаратаётгани учун Президент Ислом Каримовдан жуда миннатдормиз. 1997 йилнинг январь ойида Президент Ислом Каримов Прага шаҳрига қилган расмий ташрифи Узбекистон ва Чехия ўртасидаги иккитомонлама ҳамкорликни янги босқичларга кўтарди. Чехия Марказий Осиёдаги катта обруга эга Узбекистон Республикаси билан ҳамкорлик алоқаларини тобора кенгайтириб бориш тарафдоридир. Узбекистон билан Чехия ўртасидаги савдо-иқтисодий, техникавий, молиявий ва албатта, маданий ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатларимизнинг ўзаро маҳсулот айрбошлаш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Чехия Узбекистонга фармацевтика маҳсулотлари, тиббий мосламалар, пойафзал, енгил ва юқ машиналари учун эҳтиёт қисмлар ва бошқа маҳсулотларни сотади. Ўз навбатида, биз Узбекистондан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, пахта, қора ва рангли металлар сотиб оламиз.

— Икки мамлакатнинг ишбилармонлари йўлга қўйган алоқаларни сиз қандай баҳолайсиз?

— Узбек ва чех ишбилармонлари ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Бу жуда қувонарли ҳол. Узбекистонда Чехия ишбилармонлари ҳамкорлигида қўшма корхоналар фаолият кўрсатиб турибди. Уларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Жумладан, яқинда Тошкентда Чехия ва Узбекистон ҳамкорлигидаги «ЛМ-Стиль» пойафзал ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ишга туширилди. Мазкур корхона йилига 800 жуфт олий сифатли пойафзаллар ишлаб чиқаради. Шунингдек, мамлакатингизнинг Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳрида Чехиянинг «Лейчива» номли фармацевтика компанияси билан «Ўзфармсаноат» концерни ҳамкорлигидаги дори-дармон ишлаб чиқарувчи янги қўшма корхона ишга туширилди. Бу ерда йилига 2 миллион дона шифобахш таблеткалар ишлаб чиқарилади. Узбекистон билан Чехия ўртасидаги ҳамкорликнинг уфқлари жуда кенг. Мамлакатларимизнинг турли соҳалардаги алоқаларини кенгайтириш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қирраларини янада кўпайтириш учун ҳар икки томоннинг имкониятлари катта. Айниқса, Узбекистоннинг буюк имкониятлар юрти эканлигига шубҳам йўқ. Бу ердаги туб ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ишлари ва, энг муҳими, халқингизнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечираётгани шундан далолат беради. Шахсан мен Узбекистоннинг келажаги буюк давлат эканлигига юз фоиз ишонаман.

Х. НУРИДДИНОВ,
суҳбатлашди.

Кўнгилдаги гап

МАҲАЛЛА–ҚАДРИЯТЛАР ЎЧОҒИ

Кейинги йилларда кўпчилик касби-коридан қатъий назар маънавият ҳақида алоҳида бир ургу билан гапирадиган бўлиб қолди. Бу ҳолни мустақиллигимизнинг шарофати деб, минг-минг шукроналар айтсак арзийди. Маънавият асли ўзи нима?Уни ҳамма ўзича ҳар хил изоҳлаши табиий. Менинг назаримда маънавият аввало оддийгина ўзбекчилик, яъни одамгарчилик деган қадим тушунчамизда кўринади.

Сир эмас, истиблод даври мобайнида бизни ўзлигимиздан анча йироқлаштирган эдилар. Инсоф, диёнат, меҳр-оқибат каби муқаддас туйғулар бегона бўлиб қолаётган эди. Мардумнинг мардум билан иши йўқ, ҳамма ўз аравасини тортиш билан овора бўларди. Бугун ҳукуматимизнинг маҳаллалар ишига катта эътибори унутилаётган қадриятларимизнинг қайтадан тикланишига зўр замин яратди.

Мен Миробод туман Қўйлиқ даҳасидаги «Чинор» маҳалласида истиқомат қилганим боис бу ерда ўтказилган ҳар хил тадбирларни амалга оширилган ҳайрли юмушларни кузатиб қувонаман. Маҳалла фаоллари бўлмиш У. Салмонов (раис), О. Акромов, М. Бадалова, А. Сотволдиев, С. Гаджиев ва П. Ганиевларни ҳақиқий фидокорлар дегим келади. Чунки қачон қараманг улар ўзгалар қувончу ташвиши деб қуйиб-пишиб юрадилар. Яқинда уларнинг ташаббуси билан маҳаллада новвойхона ишга тушди. Бу ҳам аҳолига яратилган қулайликлардан бири, албатта. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳар йили бизнинг маҳаллада мустақиллик байрами, Наврўз айёми катта шодиёналар билан нишонланади. Байрамлар арафасида моддий томондан кам таъминланган оилалар, кексалар ва беморлар аҳволидан хабар олиш, уларни қутлаш энг биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Бу ҳайрли эзгу ишдан «Шуҳрат-Дилшод» хусусий фирма дўкони (директори Я. Умаров), «Нур-Муниса» номли 20-дўкон (директори И. Сайфутдинов) жамоаси ҳам четда қолмай, баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Шуларни ўйлаб туриб, савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак деган сўзда олам-одам маъно бор эканини юракдан ҳис қиламан.

Олим АБДУРАҲМОНОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси,
Тошкент шаҳри.

Инсон манфаатлари йилидан Оила йилига

Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар халқимизнинг ҳалол меҳнати ва шижоати давлатимиз иқтисодимизнинг барқарор ривожланиши учун пухта замин яратди. Шу асосда жамият фуқароларига ғамхўрлик эътибор кучаймоқда. 1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили шиори остида ўтиши бунинг ёрқин далилидир.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари ҳам ана шу ҳаракат доирасида меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш борасида анча тадбирларни амалга оширди.

Ўтган йилда энг аввало меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилувчи, уларни қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ёқловчи, касаба ташкилотларининг иш берувчилар билан ижтимоий ҳамкорлигини мустаҳкамловчи асосий восита жамоа шартномалари ва уларнинг бажарилишига алоҳида эътибор берилди. Жумладан, вилоят ҳокими, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бошқаруви, касаба уюшмалари вилоят кенгашининг 1997-98 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид уч томонлама Битимнинг 6-бандида кўрсатилганидек, вилоятимизда «Инсон манфаатлари йили» доирасида 12467 тадбир белгиланиб, улардан 11600 таси бажарилди.

Кам таъминланган, кўп болали оилаларга адресли ёрдам, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити яратиш, янги иш жойларини ташкил этиш, маданий ва жисмоний тарбия соҳасида меҳнаткашлар ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш, имтиёзли йўлланмалар бериш бошқа кўплаб тадбирлар меҳнат аҳли ҳаётини бир мунча енгиллаштиришга хизмат қилгани шубҳасиз.

Ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси, бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича касаба уюшмалари фаолиятини кучайтирмай туриб, инсон манфаатлари ҳақида баландпарвоз гаплар қилиш мумкин эмас. Шуни назарда тутиб, вилоят кенгаши техник нозирлари кенг фаоллари ёрдамига таяниб, ташкилот, корхона, жамоа ҳўжаликларида ушбу ҳолатни текшириб камчиликни аниқладилар ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш бўйича тавсиялар бердилар.

Халқ хўжалигининг аграр секторида меҳнат муҳофазасига етарлича эътибор бермаслик оқибатида 1996 йилда 18 киши, 1997 йилда 8 киши оламдан кўз юмди. Бундай аҳвол албатта бизни ташвишга солади. Ишлаб чиқаришда муҳандис-техник ходимлар томонидан назоратнинг сусайиб кетганлиги, иш жойларининг талабга жавоб бермаслиги оқибатида шу каби бахтсиз ҳодисалар рўй бермоқда. Бундай кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш мақсадида шошилинч чоралар кўраяпмиз, тадбирлар тузиб амалга оширмоқдамиз. Шулар натижасида меҳнат жамоаларида 226 та носоз техник асбоб-ускуналар, 28 та цех иши тўхтатиб қўйилди. Техника хавфсизлиги қоидаларини бузганлиги учун 12 раҳбар ишдан озод этилди. 34 киши маъмурий жавобгарликка ва 40 киши интизомий жазога тортилди.

Маълумки, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялашда ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ўзаро муносабатларда қонунлар устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда касаба уюшма фаолларига Меҳнат кодекси, ишга қабул қилиш ва бўшатиш, жамоа, меҳнат келишувлари тўғрисида, Президентимиз чиқараётган Фармон, ҳукумат қарорларининг аҳамияти уларнинг ижросини таъминлаш тўғрисида семинар-ўқувлар ташкил этилди.

1997 йил меҳнаткашлар шикоят ва аризалари асосидаги ишларимиз самарали бўлишини таъминлаш шиори остида ўтди. Шу йили ҳуқуқий нозир томонидан 153 фуқаро қабул қилиниб, улар кўтарган муаммоларнинг 80 фоизи ижобий ҳал этилди.

Касаба уюшмалари вилоят кенгаши бош ҳуқуқий нозири раислигида ишчи гуруҳ ташкил этилиб, мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб меҳнат жамоаларида ҳукумат қарорлари, қонунлар, фармонларнинг иш берувчилар томонидан бажарилиши кўриб чиқилди. «Баҳоуддин Нақшбанд», Б.Амонова, «Бухоро ипаги» каби ҳиссадорлик жамиятларида Меҳнат кодексининг баъзи моддалари, фуқаролар мурожаати тўғрисидаги қонун талаблари бузилганлиги аниқланди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тадбирлар тузилди ва ижроси таъминланди.

Инсон манфаатлари йилида касаба қўмиталари диққат марказида бўлган муҳим масалалардан бири меҳнаткашларни соғломлаштириш масаласидир. Вилоятимизда ўтган йили 3522 киши санаторий-курорт, дам олиш уйларига юборилди. Соғломлаштиришнинг энг қулай ва оммавий шакли меҳнаткашлар ва улар оилаларини санаторий-профилакторийларда дам олдириш ҳам кенгайди. Шу муносабат билан вилоятимиздаги 8 та санаторий-профилакторийда 6100 нафар меҳнаткашларнинг оила аъзолари ва талабалар соғломлаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Инсон манфаатлари йили касаба уюшмалари ишининг янада жонланиши, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоялашда қатъиятнинг ошишига ёрдам берди. Бироқ, мўлжалдаги ҳамма тадбир амалга ошгани йўқ. Бу ҳол ишимизда ҳали жиддий камчиликлар борлиги, замон талабларига мос иш услубларини жорий қилиш, расмиятчилик, лоқайдлик, узибўларчиликка барҳам бериш зарурлигини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида бу борадаги вазифалар кенг муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Биз улар асосида ўз фаолиятимизни қайта кўриб чиқиб, ўтган йил сабоқлари асосида Оила йили бўлган 1998 йилда меҳнаткашлар ва уларнинг оилаларининг ҳақиқий ҳимоячилари бўлиш, касаба қўмиталари ишини ҳуқуқий-демократик жамият қурилиши вазифаларига мос равишда ташкил этиш учун бутун куч-ғайратимизни сафарбар этамиз.

Ш.ИХТИЁРОВА,
Касаба уюшмалари Бухоро вилоят кенгаши раисининг ўринбосари.

Самарқанд хабарлари

ҚИШЛОҚ САНАТОРИЙСИ

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Пахтачи туман қўмитаси таклифи ва ташаббуси билан Хумор қўрғонида санаторий-профилакторий ташкил қилинди. Шамси Назаров номли жамоа хўжалигининг фойдаланилмай турган биноси қисқа вақтда тўла таъмирланди. Бунинг учун жами 6,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Касаба уюшмалари жиҳозлар учун 1,5 млн. сўм ажратди.

Ўзбекистон Конституцияси куни арафасида 100 ўринли «Хумор» санаторий-профилакторийси тантанали равишда очилди ва дастлабки дам олувчиларни қабул қилди.

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Самарқанд вилоят касаба уюшмалари кенгаши «Касаба уюшма ташкилотларининг ислоҳотлар давридаги вазифалари» мавзусида касаба уюшмалари фаоллари учун ўқув ўтказди.

Турли мулкчилик шаклларида фаолият кўрсатаётган корхоналар меҳнаткашларининг манфаатларини ҳимоялашга доир замонавий усулларда иш олиб бориш зарурлиги ҳақида сўз борди. Касаба уюшма кадрлари малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси М. Бокиева ва бошқалар ўз фикрларини билдирдилар.

Касаба уюшма ҳаёти

ОНАЛАРГА ИЖТИМОИЙ ТАЪТИЛЛАР

«Оҳангаронцемент» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида меҳнатни муҳофаза қилиш ва старли ишлаб чиқариш маиший шароитларини яратиб беришга катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги учун 10 миллион сўмдан кўп маблағ сарфланди.

Корхона касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномаларини изчил амалга оширишни энг асосий вазифаларидан бири деб билмоқда. Корхона ўз санаторий-профилакторийсига эга. Ҳиссадорлик жамиятида уч йиллан кўп ишлаганларга ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда даволаниш учун икки ҳафтага санаторий-профилакторийга бепул йўлланма берилади.

Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида уч йилга тузилган жамоа шартномасида яна қатор имтиёзлар кўрсатилган. Соғлиғи ёмонлашган бўлгуси оналарга ўртача иш ҳақининг 50 фоиз миқдори сақланган ҳолда муддатидан икки ой илгари декрет таътилига рухсат беришдек ажойиб ғамхўрлик яратилган.

Корхонада янги қабул қилинган ишчиларга хавфсиз меҳнат усулларига ўргатиш қатъий йўлга қўйилган. Бу ерда ҳар йили ишловчиларнинг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича билимларини текширув тадбирларини ўтказиш анъанага айланиб қолган.

Тошкент вилоятида жойлашган «Узқурилишмеханизация» 93-қўчма механизациялашган колоннаси, «Узқурилиштаъмир»нинг 3-таъмирлаш қурилиш бошқармаси «Саноаттехмонтаж»нинг Қибрай монтаж-қурилиш бошқармаси ва бошқа жамоаларда икки ва ундан кўп фарзанди бор оналарга тўрт кундан олти кунгача қўшимча ижтимоий таътиллар бериш белгиланган.

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг якунда бўлиб ўтган касаба уюшма ходимлари кунида юқоридаги илғор тажрибалар таъкидлаб ўтилди. Вилоят қўмитасида эса бундай кунларни вақти-вақти билан ўтказиш анъанага айланиб қолган. Унда касаба уюшма ходимлари билими ва малакасини оширишга алоҳида эътибор берилади. Жамоа шартномаларини тузиш ва унинг ижросини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнаткашлар ва улар оилаларини соғломлаштириш ва ҳордиғини ташкил этиш, қўшимча иш жойларини яратиш ва бошқа масалалар бўйича илғор тажрибалар кун тартибига қўйилади ва уларни оммалаштириш усуллари ишлаб чиқилади. Юз берган камчиликларни бартараф этиш юзасидан муҳокамалар ўтказилади.

Шу йил январ ойидаги йиғилишда 1997 йил жамоа шартномалари якуни ва 1998 йил жамоа шартномасини пухта тузишга кенг тўхталиб ўтилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг V мажлисида қўйилган масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилиш қатнашчилари 1998 йилда қилинадиган ишлар, бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмаси олдида турган вазифаларни муҳокама этдилар. Бу йил касаба уюшма фаолларини ўқитиш юзасидан режа тасдиқланди. Унда касаба уюшма Устави талабларини бажариш, касаба уюшма қўмиталари ташкилий-оммавий ишлари мазмунини бойитиш, республика Меҳнат Кодексига амал қилиш ва меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда касаба уюшмаларининг ўрни, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигини таъминлашда касаба уюшма қўмитасининг вазифалари касаба уюшма қўмитаси мажлисларига масалалар тайёрлаш, юқори органлар ҳамда ўз қарорлари ижросини назорат қилиш, касаба уюшма қўмиталарида иш юритиш, давлат ижтимоий суғуртаси ва касаба уюшма бюджетларидан тўғри фойдаланиш, тармоғда маданий-оммавий, жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил этишда касаба уюшмаларининг вазифалари ва бошқа муҳим масалалар қамраб олинди.

Меҳнат бозори

БАНДЛИК ҲАМ ҲИМОЯДИР

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тараққиёти ундаги мавжуд ишлаб чиқарувчи кучлар - меҳнат ресурсларидан самарали фойдалана билиш билан белгиланади. Иқтисодиётнинг асл мақсади жамият аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш экан, кишилар бу эҳтиёжни ўзлари шуғулланаётган ижтимоий меҳнат фаолиятлари билан таъминлайдилар. Фанда бу кўрсаткич бандлик деб аталади. Бандликда ишлаб чиқариш муносабатлари намоён бўлиб, кишиларнинг иштироки ялпи миллий маҳсулот таркибини, унинг сон ва сифатини ифода этади. Иқтисодиётда бозор муносабатларининг ўрнатилиши аҳоли бандлиги соҳасига ҳам чуқур ўзгаришлар олиб келади. Чунончи, бундай шароитда меҳнат бозорининг шаклланиши ҳамда ишчи кучларига бўлган эҳтиёж бозор қонунлари асосида тартибланади. Содда қилиб айтганда, бу шароитда талаб, таклиф, рақобат ва баҳо каби категориялар муҳим роль ўйнай бошлайди. Меҳнат бозорида бу механизмларнинг ишга тушиши аҳолини иш билан таъминлаш шарт-шароитларини ҳам ўзгартиради.

Бинобарин, бозор иқтисодиётида ишчи-ходим шахсий а ижтимоий жиҳатдан эркин бўлади. Яъни у ўз имкониятлари ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришда банд бўлиши ёки банд бўлмаслиги, у ёки бу касб ва фаолият турини танлаб олиши мумкин.

Ундан ташқари ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси ҳисобланмиш фирма, компания ва хусусий хўжаликларнинг раҳбари ишчи кучининг миқдор ва сифатига тааллуқли бўлган масалаларни ўзи ҳал этиш ҳуқуқига эгадир. Бу ўринда хусусий корхоналарда штатлар қисқариши, икки-уч, ҳатто баъзан тўрт нафар ходимнинг вазифасини биргина малакали ходим бажариши кўзда тутилаётир. Дарҳақиқат, эътибор бериб қаралса, айниқса кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарида ишчи-ходимлар миқдори ишлаб чиқарилаётган товар-хизматлар ҳажмига нисбатан анча озчиликни ташкил этаётганини пайқаш мумкин.

Шунингдек, иш ҳақи ва унинг эркин ҳаракати ҳам меҳнат бозорида ишчи кучларини сотувчи ва сотиб олувчилар ўртасидаги муносабатларни бошқариб туришнинг муҳим омили ҳисобланади. Бундан ташқари бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини иш билан таъминлашда яна бир қатор омиллар муҳим роль ўйнайди. Бу даврда аҳоли бандлигида унинг сон кўрсаткичлари эмас, балки сифат кўрсаткичларига ҳам асосий эътибор берилади. Бу кўрсаткичларга аҳолининг таркиби, маълумоти, ижтимоий структуранинг ривожланганлик даражаси киради. Уларнинг вужудга келиши аҳоли сони, таркиби, усиш суръатлари, умрининг давомийлиги билан ҳам боғлиқлир.

Юқорида айтилганидек, бозор муносабатлари шароитида аҳолини иш билан таъминлаш, уни ижтимоий ҳимоялаш долзарб масалага айланади. Ушбу масалани ҳал этишда аҳолини касбга ўқитиш, қайта тайёрлашга эътибор кучайтирилади. Айниқса, меҳнат бозорида рақобатбардошсиз бўлган ёшлар, аёллар, ногиронлар ҳамда жазо муддатини ўтаб келган аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида корхона ташкилотларда кафолатланган иш ўринларини очиқ кенг тус олади.

Қуриниб турибдики, иқтисодий ислоҳотлар ўз навбатида меҳнат бозорида ўзгаришлар ясашга ҳам тўртки беради. Бунда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини таъминлаш муҳимдир. Меҳнат бозорининг иштирокчилари бўлмиш, биринчидан иш берувчи ва ёлланма ходим бўлса, учинчи томондан касаба уюшмалари тимсолидаги меҳнаткашлар манфаатини ҳимоялловчилар меҳнат бозори майдонига тушадилар. Бинобарин, ҳозирги шароитда айнан шу жамоа ташкилотининг изчил, малакали фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир.

Элшод НАБИЕВ,
Республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Менежмент кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори.

Жиззах шаҳридаги «Ун» жамоа корхонаси кунига 60 тонна омухта ем ишлаб чиқариб, «Қоракўл» трестига қарашли хўжаликларга етказиб бермоқда.

Суратда: цех бошлиғи Пўлат Ўринбоев, Тоир Синдеров, Орифжон Азаматов ва Шавкат Солиевлар билан.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

Янги давр — янги мезонлар

«ТАШАББУС»–ТАДБИРКОРЛАР ТАНЛОВИ

Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси ташаббуси билан энг яхши тадбиркор, фермер ва ҳунармандларнинг «Ташаббус» танлови эълон қилинди. Жамоатчи мухбиримиз танловнинг Қашқадарё вилоят ташкилий қўмитаси раиси, вилоят товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси раиси С. ИНИЯЗМЕТОВА билан танловни ўтказишга оид масалалар ҳақида суҳбатлашди.

— Санталат Ирисқуловна, танловни ўтказишдан мақсад ва вазифалар ҳамда у билан боғлиқ бўлган масалалар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Шу йилнинг 14 январь куни вилоятимиз ҳокимининг «Ташаббус» танловининг туманлар ва вилоят босқичини намунали ташкил этиш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Танловни ўтказиш учун вилоят ташкилий қўмитаси тузилди. Ташкилий қўмитага Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, «Бизнес-Фонд», деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, «Малад» суғурта агентлиги, «Тадбиркорбанк», Миллий банк вилоят бўлимлари, «Камолот» жамғармаси, «Қашқадарё» ва «Қашқаларья» газеталари таҳририяти, вилоят телерадиокомпанияси, матбуот бошқармаси ҳамда бир қатор бозор иқтисодиёти инфратузилмалари раҳбарлари кирган.

Мазкур танлов мамлакатимиз миқёсида иккинчи бор ўтказилмоқда. Тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришни рағбатлантириш, энг зўр тадбиркорларнинг фаолиятини оммалаштириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, рақобатга чиқамли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кўпайтириш, янги иш жойларини ташкил этиш ҳамда тадбиркорларнинг касб малакалари ва билимини ошириш танловни ўтказишнинг асосий мақсад ва вазифаларидан ҳисобланади. Танлов уч босқичдан, яъни туман (шаҳар), вилоят ва республика босқичларидан иборат бўлиб, уч йўналиш — «энг яхши тадбиркор», «энг яхши фермер» ва «энг яхши ҳунарманд» йўналишлари бўйича ўтказилади. Ҳар учала йўналиш бўйича туманда биринчи ўринни олган голиблар вилоят босқичига, вилоятда биринчи ўринни олганлар эса республика босқичига ўтишади.

— Танлов иштирокчиларининг фаолияти қандай мезонлар асосида баҳоланади?

— Ташкилий қўмита томонидан танлов Низоми ва танловни ўтказиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Вилоятимиздаги бозор иқтисодиёти инфратузилмаларининг етук мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилди. Шуни айтиб ўтиш лозимки, баҳолаш мезонлари ҳар учала йўналишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда туман ва вилоят босқичлари учун алоҳида-алоҳида ўлчовлар билан белгиланган. Масалан, Энг яхши тадбиркор йўналишининг туман босқичида тадбиркорнинг корхона очиш, ҳам ишё ва материаллар таъминотини йўлга қўйиш, ўз маблағларидан тўғри фойдалана олиш ҳамда ҳудудий бозорни (коньюнктура) билиш қобилияти баҳолаш мезони ҳисобланса, вилоят босқичида тадбиркорнинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш, хўжалик юритиш қонунчилиги, шартнома муносабатлари, республика бозори ҳолатлари (коньюнктура)ни билиш иқтидори асосий баҳолаш мезонлари бўлади. Танловнинг республика босқичида эса тадбиркорнинг ишбилармонлиги, шериклар, мижозлар билан ҳамкорлик қила билиши, ташкилотчилиги, чет эл бозори ҳолати (коньюнктура) ўзгаришларидан хабардорлиги баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади. Худди шу каби фермер ва ҳунарманд йўналишлари бўйича ҳам ўзига хос баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган. Жумладан, «энг яхши ҳунарманд» йўналишида ҳунарманднинг маҳаллий хом ашё ресурслари ва иккиламчи материаллардан фой-даланиши, шогирдлар тайёрлашдаги фаоллиги, касб-кори тарихини билиши ҳам эътиборга олинган.

Туман ва шаҳар ҳокимликлари танловни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича фаол иш олиб боришмоқда. Февраль ойининг биринчи ўн кунлиги охиригача танловнинг туманлар босқичи якунланади.

— Танлов голибларини қандай совринлар кутмоқда?

— Ўтган йилдаги танлов голибларини тақдирлаш бўйича айрим ноаниқликларга йўл қўйилган эди. Барча йўналишларда 1, 2, ва 3-ўринларни эгаллаган голибларга 6, 4 ва 3 миллион сўмдан «Бизнес-Фонд» тизими бўйича узоқ муддатга имтиёзли кредитлар берилиши белгиланди. Лекин голибларнинг айримлари «Бизнес-Фонд»дан аввал кредит олишгани ҳамда уни тўлаш муддати етиб келмагани сабабли имтиёзли кредитни олишолмади. Шунинг учун ҳам бу йил имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда голибларни қимматбаҳо совринлар билан тақдирлашга қарор қилдик. Туман ташкилий қўмиталари ҳокимликлар билан биргаликда голибларга қандай совринлар берилишини белгилаб олишади. Туман босқичи голибларига рангли телевизор, видеомагнитофон, гилам ва бошқа қимматбаҳо совринлар берилади.

Танловнинг вилоят босқичи голибларига қуйидаги совринлар топширилади: «энг яхши тадбиркор» ва «энг яхши фермер» йўналишлари бўйича 1-ўринга видеоиккилик ва гилам, 2-ўринга рангли телевизор ва сервис, 3-ўринга видеомагнитовон ва сервис, «энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича 1-ўринга видеоиккилик, 2-ўринга рангли телевизор, 3-ўринга видеомагнитофон. Бундан ташқари «Камолот» жамғармаси томонидан «Танловнинг энг ёш иштирокчисига», вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси томонидан «Иш жойлари ташкил этишда энг фаол бўлган иштирокчига», «Қашқадарё» ва «Кашкадарья» газеталари таҳририяти томонидан «Танловни ёритишда энг фаол бўлган оммавий ахборот воситасига» каби махсус мукофотлар ҳамда бошқа рағбатлантирувчи совринлар, эсдалик совғалари белигланган.

Танловнинг республика босқичи голибларини эса янада қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Йўналишлар бўйича 1-ўринларни олган тадбиркор, фермер ва ҳунармандларга Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини сифатида «Нексия», «Дамас», «Тико» автомашиналари тақдим этилади.

М. КЕНГБОЕВ суҳбатлашди.

ОТА ДАРВОЗАНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ

Ҳар бир ёдгорликнинг ўзига хос қизиқ тарихи бўлади. Хивадаги Ота дарвозанинг номланиш тарихи ҳам шундай. Кейинги пайтда бу ҳақда илмий асосга эга бўлган бир қанча маълумотлар қўлга киритилди.

Ота дарвоза 1643-йилда қурилган бўлиб, 1920-йил инқилобий суронлар даврида бузиб ташланган ва 55 йилдан сўнгтина қайта тикланган. Яқинда дарвоза яна бир бор таъмирланди. Бироқ унинг номи келиб чиқиш тарихини ўрганиш ҳамон эътибордан четда қолиб келаётир.

Мунис, Огаҳий ва Баённийлар ўз асарларида дарвозани баъзан «Ота» деб юритсалар, баъзида «Исм Махмуд Ота» дея тўлиқ номланишини келтирганлар.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, дарвоза Муҳаммад пайғамбар томонидан Хоразмга элчи қилиб юборилган авлиё Исмамут (Исм Махмуд) Ота шарафига қурилган. Шунинг учун ҳам у ғарбий тарафда Исмамут ота қабристони томонга қаратиб бунёдга келтирилган.

1863 йилда Хивага келган Вамбери маълумотига кўра, ўша пайтда Ичонқалъада Исмамут ота номида мачит ҳам бўлган. Афсуски бу ёдгорлик бизгача етиб келмаган.

Масалани ойдинлаштириш мақсадида Хива хонлари архивининг моҳир тадқиқотчиси М. Й. Йўлдошевнинг фикрларини эслаб ўтиш жоиз деб ўйлайман. У Хивадаги миршаблар фаолиятини тадқиқ қила туриб, Исм Махмуд Ота дарвозасида 7 миршаб қўриқчилик қилгани ва уларга 28 тилла маош тўланганини ёзади.

Ота дарвоза ўзининг тўлиқ номи билан юритилиб, унинг пештоқига қисқача тарихи ёзиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ш. НУРИММАТОВ, «Ишонч» мухбири

Истеъмолчи манфаати муқаддас

САВДО КЎНГИЛДАГИДЕК БЎЛСА...

Туман прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат маҳкамалари билан ҳамкорликда Президентимиз ва ҳукуматнинг аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишни тартибга солишга доир Фармон ва қарорлари ҳамда бошқа қонунларнинг ижроси юзасидан мунтазам равишда текширишлар ўтказиб бормоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси матлубот кооперацияси тизимидаги корхоналар томонидан аҳолига савдо хизмати кўрсатишни аҳволини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишининг ижроси бўйича ўтказилган текширишларда «Авангард»-савдо очиқ ҳиссадорлик жамияти омборларидан 50 минг сўмга яқин озиқ-овқат, ноозиқ-овқат, мева консерваларнинг муддати ўтиб кетганлиги, шу жамиятга қарашли «Гулистон» қишлоғидаги озиқ-овқат дукон мудири Н.Назаровнинг тиббий кўрикдан ўтмаганлиги, дуконнинг эса таъмирлашга муҳтож эканлиги маълум бўлди. Тиббий кўриклан ўтиш дафтари, қўл ювиш воситалари, сотувчининг харидорларга махсус кийимсиз хизмат кўрсатиши, қолаверса, дукон омборхонаси мутлақо талабга жавоб бермаслиги аниқланди. Б.Холмуродов ва Д.Маҳкамбоевалар мудирлик қилаётган дуконларда ҳам бундай ҳоллар мавжудлиги тасдиқланди.

Тумандаги кўпгина савдо дуконларида аҳолига зарур товарлар, чунончи 8 турдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари аксарият савдо нуқталарида фақат кузбуямачилик учун қўйиб қўйилган.

Текшириш ўтказилган куни жамиятга қарашли 52, 19, 20, 22, 13-савдо дуконларида ҳамда туман очиқ савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли 36, 14,21,61 ва 144 — дуконларда ун, ўсимлик ёғи, шакар, совун каби кундалик эҳтиёж маҳсулотлари узоқ вақтдан буён бўлмаган.

8 турдаги зарур озиқ-овқат маҳсулотларни фақат, нақд пулга сотиш шарт эканлигини жуда яхши билишгани ҳолда, туман очиқ савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли 36-савдо дуконидан Каттабой Ашуров номли жамоа хўжалигига 3900 сўмлик ўсимлик ёғи, 5905 сўмлик шакар, 19 дукондан Жўман Михлиев номли жамоа хўжалигига - 1482 сўмлик макарон, 6 килограмм чой, «Шодлик» савдо ҳиссадорлик жамиятидан «Тез ёрдам» бўлимига 170 дона хўжалик совуни пул ўтказиш йўли билан берилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш тўғрисида»ги қарори талабларига қўпол тарзда бузилганлиги маълум бўлди.

Туман Давлат солиқ инспекцияси савдо корхоналари ишини назорат қилиш бўлими ишининг қониқарли эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат-касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»ги қарори талабларига кўра, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида назорат касса машиналарининг ўрнатилиши ва ишлатилиши мажбурийдир. Аммо, бўлимдан олинган маълумотларга қараганда, туман бўйича 66-та савдо корхоналари ва шоҳобчаларида, назорат-касса машиналари ўрнатилган холос. Шунга қарамай аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда назорат касса машиналарини ишлатиш тала даражасида эмас. Аниқланган камчиликлар бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Аҳолини озиқ-овқат ва кундалик эҳтиёж молларига бўлган эҳтиёжни қондириш, савдо маданиятини ошириш, турли хил суиистеъмолликка қарши қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилаётган пайтда янада қатъийроқ чоралар кўришга тўғри келади. Буни эса оддий савдо ходимидан тортиб, раҳбар шахсларгача асло унутмасликлари лозим.

Каримшо БОБОЕВ, Яккабоғ тумани прокурори.

Ҳар кимки жафо қилса...

ЙИГИТЛИК ҚАДРИНИ ЕРГА УРМАНГ

Фарзанд оила қувончи, айниқса, у дунёга кўз очиб келган кундаги ота-онанинг шодлигини, бир сўз билан ифодалаш мушкул. Қуплар қатори қаролилик Мастон ака Жўрақулов ҳам ҳаётида ўчмас из қолдирган ўшал сўрурли ҳузурбахш онларни бир умр ёддан чиқармаса керак. У киши яхши ниятлар, орзу-умидлар оғушида суюкли фарзандини Зафаржон деб атади.

Дарҳақиқат, у кунларнинг гашти бўлакча эди. Ота ўзини қўярга жой топа олмасди. Чақалоқни кўргани келган -кетганларнинг ширин каломлари, яхши истакларни эшитиб кўнгли тоғдек кўтарилар эди.

Бугунчи?! Айнан шу уғилнинг бадхулқлиги туфайли отанинг дили хира. Боши ҳам. Кўзларида нам. Сабаби кўпчиликка аён. Нега деганда арзанда уғилнинг номақул ҳатти-ҳаракатлари одил судлов жараёнида атрофлича муҳокама этилаяпти.

...1997 йилнинг 24 майида ширакайф ҳолда ўзи туғилиб ўсган «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Қулончи қишлоғига қайтаётган Зафар Жўрақулов йўлда негадир тинимини йўқотиб қўяди. Унга атрофдаги ҳар бир жонзот, ҳатто, дов-дарахтлар ҳам ўзгача чирой билан қурингандек бўлди. Шу тобда сал нарироқда кетаётган қўшни қишлоқлик қизга кўзи тушгач, бирдан сесканиб кетди. Ногоҳон шайтоний ҳирс қалбини чулғаб олади:

- Яхши қиз танишайлик. Қиздан садо чиқмагач, йигит тағин «ташаббус»ни қўлга олишга ҳаракат қилди. У энди қўрслик қилишга ўтди. Ҳатто куч ишлата бошлади. Йигитнинг шира кайф эканлигини сезган қиз унинг қўлидан чиқиб қочишга ўлгурди. Йигит ўлжасини қўлдан чиқариб қўйган бўридек тишларини ғижирлатиб, қизнинг орқасидан қувишга тушди, ҳиёл ўтмай уни тутиб олди. Бечора қиз қафасга тушган қушчадек жон-жаҳди билан рақибининг чангалидан қутилишга ҳаракат қилди. Оруномус, қадр-қиммат устун келди. Жабрдийда жон ҳолатида қаршилик кўрсатиб, дод солди. Кимнидир ёрдамга чақишга ундади. Шу пайтда воқса жойига етиб келган фуқаро Н.Мирзаевни кўрган бадхулқ Зафар Жўрақулов ҳаёсизлигиданми, йигитлик ғуруридан уялибми тезда «қуён» бўлиб қочишдан бўлак чора топа олмади.

Бу ҳатти-ҳаракатлари билан Зафар Жўрақулов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 25-118 моддаси 1-қисмида кўрсатилган (номусга тегишга суиқасд қилиш) жиноятини содир этишда айбли, деб топилди. Унинг ҳатти-ҳаракатлари Жондор туман судининг 1997 йил 4 июндаги мажлисида атрофлича кўриб чиқилди.

Шу тариқа айбланувчининг қилмишига суд холисона баҳо берди. Воқеадан хабардор бўлган гувоҳлар М.Олимов, Н.Мирзаевларнинг кўрсатмалари ҳамда жабрланувчининг берган баёнотлари, шунингдек, айбдорнинг, ўзининг қисман айбига иқрорлигини суд инобатга олиб, турт йил муддатга озодликдан маҳрум этиш, жазони умумий тартибли меҳнат колонияларида ўташ ҳақидаги якдил ҳулосага келди.

Гап келганда, шу қишлоқ фуқароси, оилалик, фарзандли Деҳқонбой Туйлиевнинг жиноий қилмиши ҳақида ҳам икки оғиз тўхташ жоиз. Деҳқонбой ўзи билан бир жамоа хўжалигида яшовчи 1981 йил 13 августда туғилган фуқаро Н.Қнинг 16 ёшга тўлмаганини аниқ билган ҳолда, у билан жинсий алоқада бўлади. У ўзининг бу ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 128-моддаси 1 қисмида кўрсатилган жиноятни содир этади.

«Авангард» жамоа хўжалигида яшовчи Н.Тошқулов ҳам пихини ёрганлардан бўлиб чиқди. У кишининг ҳам ғайриқонуний ҳаракатларини айтишга тил бормайди. Н.Тошқулов ҳам юқоридаги йўл-тўсарларга ўхшаб бегуноҳ бир балоғат ёшига етмаган қизнинг бадном бўлишига сабабчи бўлди.

Ҳар иккала судланувчи қилмишларидан пушаймонликларини билдириб ялиниб-ёлвориб суд ҳайъатидан ёрдам сўрашларидан ҳайратдан ёқа ушлагинг келади. Олдинроқ шу ҳақда ўйлашса бўлмасмиди бу шармандалар!

Сўқир кўзларидан юмюм тўкилган кўз ёшлари ҳар қанча сел бўлиб оқмасин, барибир улар қилмишига яраша қонуний жазосини олишди. Йигитлик шаънини унутиб, ўзини, бола-чақасини, оиласини, ҳатто-ки қариндош-уруғларининг қадрини ерга уриб, иззат-обрўйига доғ туширган бу кимсалар эл-юрт нафратига дучор бўлишди.

Иброҳим НОРОВ,
Жондор туман судининг раиси.
Усмон НАВРЎЗОВ,
«Ишонч» мухбири.

Демократик давлат барпо этиш жараёни тобора чуқурлашиб бораётган ҳозирги босқичда судлов органлари зиммасига ҳам катта масъулиятлар юклатилаётганлиги сир эмас. Улар борган сайин омма билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга эътиборни қаратмоқдалар. Бу борада Жондор туман судида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Суратда: туман судининг раиси малакали ҳуқуқшунос Иброҳим Норов фуқаролар билан амалий суҳбат ўтказаётган пайт.

ҲУҚУҚҚА БАҒИШЛАНГАН ЎҚУВ-СЕМИНАР

Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги босқичда ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларни ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни давр талаб қилмоқда. Чунки ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият жамият ва давлат олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишини таъминлайди. Шу мақсадда Ғаллаорол туманида ҳуқуқ асосларини оммага етказиш мақсадида ҳар хил ўқувлар, семинарлар, тарғибот ишлари ташкил қилинмоқда. Туман прокуратураси ва адлия ходимлари жамоат жойларида, хўжалик марказларида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, ҳуқуқий тарбия, ижтимоий адолат мавзуида чиқишлар қилмоқда.

Яқинда туман хотин-қизлар қўмитаси туман ҳуқуқий ташкилотлар билан ҳамкорликда «Аёл ва ҳуқуқ» мавзуида ўқув-семинар ташкил этди. Унда туман прокурори Лапас Маматқулов «Конституция ва қонуннинг устиворлиги» ҳақида, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Зебо Қосимова «Аёл ва ҳуқуқ», туман халқ таълими бўлими мудири Яраш Қулиев «Ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маориф» мавзуида маъруза қилдилар.

Ўқув-семинарда фаол хотин-қизлар, маҳалла қўмиталарининг раислари, ташкилот бошлиқлари иштирок этдилар.

Баҳсли мунозарага айланган бу семинар ҳуқуқ асосларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши жараёни жадалланиб бормоқда. Миллий давлатчилик пойдевори яратилди. Ёш давлатимиз жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бормоқда. Янги миллий ҳуқуқий тизим яратилди, яъни давлат мустақиллигининг мустаҳкам ҳуқуқий асослари барпо этилди. Парламентимиз 6 йилдан кўпроқ вақт ичида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган 300 дан зиёд қонунлар қабул қилди.

Ўзбекистонимиз ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб олиб, бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролар жамиятини қуриш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш олий мақсадни рўёбга чиқариш учун изчиллик билан ҳаракат қилмоқда. Иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлади. Ўтган қисқа давр мобайнида иқтисодиёт, ҳуқуқ ва бошқа муҳим соҳаларда салмоқли ўзгаришлар юз берди. Халқимизнинг дунёқараши, билими, маънавияти ўзгарди, онгимиз, миллий ғуруримиз юксалди.

Жамиятимиз тараққиётининг мана шу масъулиятли палласида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий онгини шакллантириш масалалари кун тартибида қўйилди.

Ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгнинг ўзига хос томонларидан яна бири шуки, улар ижтимоий ҳаётнинг қонун ва қонун ҳужжатлари кириб улгурмаган жабҳаларига бевосита боғланиб, у ердаги муносабатларни тартибга сола олади. Президентимиз И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бусағасида» китобида таъкидлаб айтганларидек, «Фақат билимли, маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олишини ва аксинча билими қам, оми одамлар авторитаризмни ва тоталитар тузумни маъқул кўришни ҳаётнинг ўзи ишонарли тарзда кўрсатмоқда».

Бу ўринда шуни айтиш керакки, ҳуқуқий маданиятни ўз-ўзидан ошириб бўлмайди, ҳуқуқий онг ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, бунга эришиш учун давлат ва жамият моддий ва интеллектуал кучларини сафарбар қилиши лозим бўлади.

Биз Президентимиз кўрсатиб берган вазифаларни амалга ошириш билан шуғулланар эканмиз, халқимизнинг ҳуқуқий билимларга бўлган қизиқиши ва эҳтиёжи ниҳоятда катта эканлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази Республикамизнинг таниқли ҳуқуқшуносларини жалб этиб, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида Конституциямиз, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Олий Мажлис томонидан янги қабул қилинган қонунлар, уларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказмоқда.

Марказ ўз фаолиятида 3 субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг узаро муносабатларида қонунийлик асос бўлишини очиб беришга ҳаракат қилмоқда. Чунки, мамлакатда адолат тамойилларига амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун шу 3 субъект муносабатлари уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилиши шарт. Конституциямиз ана шундай адолатли жамиятнинг ҳуқуқий кафолатидир. Унинг яна ўзига хос жиҳати шундаки, унда инсон ҳуқуқларини таъминлаш устувор йўналиш қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 июлдаги 367-сонли қарорининг 7-бандига мувофиқ ҳуқуқий маърифат тарғибот Маркази ҳузурида илмий оммабоп адабиётларни чиқариш бўйича идоралараро Республика мувофиқлаштирувчи услубий кенгаши тузилди. Мазкур Кенгаш нашр этишга тавсия қилинган ҳуқуқий адабиётларга илмий-оммабоп адабиётлар мақомини бериш ҳуқуқига эга.

1997 йил 17-18 ноябрда «Аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш тўғрисида» Республика семинари ўтказилди.

Лекин биз бу ишлардан қониқаётганимиз йўқ. Чунки Президентимиз учрашув пайтида илгари сурган фикрлар, Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорида қўйилган юксак талабларидан келиб чиқиб ёндошадиган бўлсак, ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлигини кўрамиз. Юксак талаб даражасига кўтарилишимиз туфайли муваффақиятга эришишимиз учун бир қатор ўткир муаммолар зудлик билан ҳал этилиши зарур. Уларнинг айримларига эътиборингизни жалб қилмоқчимиз. Жумладан, ҳуқуқий тарғибот Марказининг самарали фаолият кўрсатиши учун у етарли моддий-техника базасига эга бўлиши керак. Услубий қўлланмалар, тематик дастурлар ва бошқа зарур адабиётлар чоп этилиши лозим. Бироқ, марказнинг ташкил этилганига 6 ойдан кўп вақт бўлишига қарамай, Вазирлар Маҳкамасининг 367-қарори 12-банди бажарилгани йўқ.

Марказ зиммасига оммабоп ҳуқуқий адабиётларни, ўқув-услубий қўлланмаларни ва дарсликларни тайёрлашни мувофиқлаштириш вазифаси ҳам юклатилган. Бироқ, бу борада ҳали жиддий муаммолар бор. Масалан, аҳолига, айниқса қишлоқ аҳолисига ҳуқуқий адабиётларни етказиб бериш даражаси ниҳоятда паст даражада. 1995 йилгача мамлакатимизда китоб савдоси билан 4 та ташкилот - «Ўзкитоб»,«Тошкитоб»,«Ўзбекбирлашув», «Матбуот тарқатиш ўюшмаси» шуғулланарди. 1995 йилдан «Тошкитоб» «Ўзкитоб»га бирлашди. «Ўзбекбирлашув»нинг китоб савдоси билан шуғулланувчи бошқармаси тугатилди, натижада китоб савдоси билан фақат «Ўзкитоб» шуғуллана бошлади, лекин «Ўзкитоб» нашриётлардан китоб харид қилиш даражасини, айниқса ҳуқуқий адабиётлар харид қилиш ҳажмини бир неча марта камайтириб юборди. Бунга ҳуқуқий адабиётлар нашр қилувчи «Адолат» нашриети фаолияти ҳақида ўйидаги мисолни келтириш кифоя. «Ўзкитоб» 1994 йилда («Тошкитоб» билан қўшилмасдан олдин) мазкур нашриет чиқарган адабиётлардан 417.500 нусха олган бўлса, 1996 йилда (у «Тошкитоб» билан қўшилгандан сўнг) 52.500 нусха китоб олди холос. 1997 йилда эса ундан ҳам кам харид қилди. Бундай вазиятда ҳуқуқий адабиётларни Республикамиз аҳолисига етказиб бериш тўғрисида гапириш мумкинми? Албатта йўқ! Шундай экан, китоб сотиш соҳасида монополияга чек қўйиш, «Тошкитоб» савдоси «Ўзбекбирлашув»нинг китоб сотиш тармоғини тиклаш, шунингдек Республикамизда яна бир қатор китоб савдоси билан шуғулланувчи меҳнат жамоалари юзага келса, айни муддао бўларди. Биз ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази ёки Республика Маънавият ва маърифат маркази қошида мустақил тарзда «Ҳуқуқшунос» китоб савдоси Акционерлик жамиятини ташкил этиб, унга мамлакатимизнинг барча вилоят, шаҳар, қишлоқ ва овулларида ҳуқуқий адабиётларни тарғиб қилиш ва уларни тарқатиш вазифасини топшириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шу кунларда Республикамизда ўндан зиёд нашриётлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз ҳолича ҳуқуқий адабиётларни чоп этмоқда. Бу ишлар тарқоқ олиб борилаётганлиги сабабли улар мутахассислар томонидан тақриз қилинмаяпти, бунинг натижасида мазмуни саёз китоблар нашр этилиши ҳам учраб турибди. Бундай камчиликларга барҳам бериш учун ҳуқуқий мавзуларда ёзилган қўлёзмалар ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази томонидан тақриздан ўтказилишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда мазкур марказ барча нашриётларнинг йиллик режаларини олиб таҳлил қилишга киришди.

Албатта, ҳуқуқий адабиётлар билан савдо қилишдаги мавжуд қийинчиликларнинг ўзига хос сабаблари бор. Босмахона ва қоғоз харажатлари ортиб кеттанлиги натижасида китобларнинг таннархи ошмоқда, бу эса уларга юқори баҳо қўйилишига олиб келади. Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази оммавий ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни яхшилаш мақсадида Президентимиз таъкидлаб айтганларидек, уларни 50 фоиз арзонлаштириб сотишни йўлга қўймоқда.

Юқоридаги муаммоларни биргина ҳуқуқий маърифат тарғибот Марказининг ўзи бартараф эта олмайди. Бунинг учун жуда кўп мутасадди идоралар, хусусан Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, жойлардаги ҳокимликларнинг ва яна қатор идора ва муассасаларнинг бевосита кўмаги, аралашуви керак бўлади. Ана шундагина биз ҳуқуқий демократик давлат қурилишига, маърифатли жамият барпо бўлишига, бинобарин халқимизнинг фаровон турмуш кечиришига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Фарҳод ТОҲИРОВ,
Тошкент Давлат юридик институти қошидаги ҳуқуқий тарғибот маркази директори муовини.
Маҳбуба ХАЙИТОВА,
«Ишонч» мухбири.

МУАММОЛАР КЎП, АММО...

Ҳуқуқий маслаҳатхона

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР МЕҲНАТИ ХУСУСИДА

Ҳурматли таҳририят!
Вояга етмаганлар меҳнатининг ҳуқуқий кафолатлари ҳақида маълумот беришингизни сўрайман.

С.МАМАСАИДОВА,
Сирдарё вилояти.

Шу тўғрида ҳикоя қилиб беришни юрист Гулнора Саримсоқовадан илтимос қилдик.

Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий моҳияти-мустақил давлатимизнинг келажаги бўлган ёш авлодни маънавий ва руҳий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашдан иборатдир. Шу сабабли ёш авлодга ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб берилган.

Ёшларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги фақат Конституцияда қайд қилиниши билан чекланмайди. Бу конституциявий норма амалда ҳам ўз ифодасини топиши учун давлатимиз қўплаб тадбирларни амалга оширмоқда. Масалан, бу борада махсус «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонунга кўра 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган фуқароларга таллуқли ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий негизи белгилаб берилди.

Меҳнат қонунчилигида ҳам ушбу тоифадаги ходимларга алоҳида кафолатлар белгиланган бўлиб, ёшларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар икки гуруҳга бўлинади:

-18 ёшга тўлмаган шахслар, яъни вояга етмаганлар;

-18 ёшдан юқори бўлган шахслар.

18 ёшга тўлмаган шахсларнинг физиологик, психологик ва ижтимоий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қонунчилик бу тоифадаги ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига қўшимча кафолатлар белгилайди. Бу кафолатлар ўз навбатида ёшлар томонидан уларга меҳнат ҳуқуқларини реал рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат қонунчилиги ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимлар соғлиғи, хавфсизлиги ёки аҳлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишларда, ер ости ишларида ва шу каби оғир меҳнатларда фойдаланиш тақиқланади. Бинобарин, 1996 йил 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг қарори билан тасдиқланган ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатини қўллаш, тақиқланган, меҳнат шароити ноқулай бўлган ишлар руйхати ва 1996 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси санитария шифокори тасдиқлаган «Юкни қўлда кўтариш ва ташишда ўсмирлар учун йўл қўйиладиган оғирликнинг санитария меъёрлари» юқоридаги қонунни амалда қўллашга қаратилгандир.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси асосида ишлаётган вояга етмаган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам шу тоифадаги ходимларга тадбиқ этиладиган кафолатлар ва имтиёзлардан фойдаланадилар.

Меҳнат Кодексида ўн олти ёшга тўлмаган ўсмирларни ишга қабул қилишда ота-онасидан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг ёзма шаклдаги розилиги бўлишининг назарда тутилиши - уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг яна бир муҳим кафолати ҳисобланади. Вояга етмаганларни ишга қабул қилишда албатта тиббий кўрикдан ўтиши қонунчилигимизда шарт қилиб қўйилган.

Шу билан биргаликда давлат ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни бепул ишга жойлаштиришни ҳам кафолатлайди. Бу кафолатларни Меҳнат вазирлигининг тегишли органлари амалга оширади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Иш жойларини квоталаш тўғрисида»ги Низомга кўра, умумтаълим мактабларини ва бошқа ўқув юртларини битирган, 18 ёшга тўлмаган ўсмирларни ишга жойлаштириш ва уларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида барча корхоналарда қонунчилик билан белгиланган тартибда иш жойлари квоталанади. Иш берувчи белгиланган квота ҳисобидан ишга жойлаштириш тартибида маҳаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиши шарт. Бу тоифа шахсларни ишга қабул қилишда дастлабки синов белгиланмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида меҳнат шартномаси тузилиши мумкин эмас.

Меҳнат фаолияти давомида ҳам 18 ёшга тўлмаган ходимлар учун умумий қоидалардан ташқари қўшимча кафолатлар белгиланган. Жумладан, 18 ёшга тўлмаган ходимлар учун иш вақтининг алоҳида нормалари белгиланган. Бу тоифадаги ходимларга уларнинг ёши, соғлиғи, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Бинобарин, иш вақти 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасида 36 соат, 15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ва таътил даврида ишлаётган 14 дан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар учун ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмаслиги керак. Уларни иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш ва байрам кунларида ҳамда тунги сменаларга жалб қилиш таъқиқланади.

Ун саккиз ёшга тўлмаган ходимларга йиллик таътилнинг алоҳида узайтирилган тури - уттиз календар кун берилади. Қонунчилик бу шахсларга уларнинг хоҳиши билан белгиланган олти ой ўтмасдан олдин ҳам йиллик таътилни улар учун қулай деб ҳисобланган вақтда берилишини кафолатлайди ва уларга йиллик таътилни бермасликни таъқиқлайди.

Шунингдек, 18 ёшга тўлмаган шахслар билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳам умумий қоидалардан ташқари махсус қоидалар билан тартибга солинадиган қўшимча кафолатлар белгиланган. МКнинг 246-моддасига кўра, иш берувчининг ташаббуси асосида бу тоифадаги ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга фақат маҳаллий меҳнат органининг розилиги билангина йўл қўйилади.

Саволларга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

- Ёзги таътил давримда Денов шаҳрида дам олаётганимда кўчада икки автомашина тўқнашгани ва бахтсиз ҳодиса рўй берганининг гувоҳи бўлган эдим. 1997 йилнинг ноябрь ойида мени гувоҳ сифатида судга чақиришганда бормадим. Суд бормаганим учун менга жарима белгилаб, Тошкент шаҳрида турар жойим тумани суд ижрочиси томонидан бу жарима ундириб олинди.

Мен қандай қилиб ишимни ташлаб бораман, яна шунча узоқ йўлга харажат қилиб.

М.Мирзаев, Тошкент шаҳри.

- Узбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 180-моддасига мувофиқ жиноий иш бўйича гувоҳ бўлатуриб фуқаро таклиф қилинган бўлса ҳам судга боришдан бош тортса унга энг кам ойлик маошнинг бир миқдоридан уч миқдоригача бўлган суммада суд томонидан жарима солиниши мумкин ва шу кодекснинг 333-моддаси асосида жаримани мажбурий ундириб олиш учун суд гувоҳ яшаб турган туман суди ижрочисига қарорни жўнатишга ҳақли.

Демак, сиздан жарима тўғри ундирилган.

Узбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 319-моддасига мувофиқ гувоҳларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб кетиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек, суткалик харажат пуллари суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади.

Сиз таклифнома бўла туриб судга гувоҳ сифатида бормасдан нотўғри иш қилгансиз.

***

- Мен муассаса раҳбариман. Меҳнат ҳуқуқи нозири муассасада текшириш ўтказиб камчиликларни аниқлади ва уларни тугатиш учун ёзма равишда кўрсатма бериб кетди. Маълум вақтдан кейин ўша нозир келиб камчиликлар тугатилмаяпти, деб менга икки минг сўм жарима солди. Шу тўғрими?

Д.Аҳмедов, Тошкент вилояти.

- Узбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 255-моддасига асосан меҳнат ҳуқуқи нозири меҳнат қонунчилигини бузган. Ходимларга маъмурий чоралар қўллаш масаласини кўриб чиқади. Шу кодекснинг 49-моддасига мувофиқ у мансабдор шахса меҳнат қонунчилигини бузганлиги учун энг кам иш ҳақининг икки миқдоридан беш миқдоригача бўлган суммада жарима солиш ҳуқуқига эга.

Жаримани тўлаш аниқланган хатоларни тугатишдан озод қилмайди.

***

- Мана муассаса раҳбарининг кўрсатмаси билан ишни бошлаганимга икки ҳафтадан ошди. Лекин кадрлар бўлимининг ходими келиб ариза ёзинг, шу бугундан ишга қабул қилинасиз деди. Ўтган кунлар учун иш ҳақим нима бўлади?

Д.Дониёрова, Жиззах вилояти.

- Узбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 82-моддасига мувофиқ агар ходим ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ишлашга рухсат берилган бўлса, ходимни ишга қабул қилиш қандай расмийлаштирилганидан қатъий назар у иш бошлаган кунидан ишга қабул қилинган ҳисобланади.

Шундай экан, сиз ўша ишга тушган кунингиздан бошлаб ишга қабул қилингансиз. Энди фақат кадрлар бўлимининг ходимига сизни ишга тушган кунингиздан ишга қабул қилинди деган буйруқ лойиҳасини тайёрлаб, раҳбарга имзога олиб кириши қолади.

***

- Беш йилдан буён шофёр бўлиб ишлайман. Икки кун олдин йўл ҳаракати қоидасини буздингиз деб ДАН ходимлари ҳайдовчилик гувоҳномамни олиб қўйишди ва олти ойгача автомашина ҳайдамайсиз, дейишди. Энди нима қилишим керак?

Р.Дўстжонов, Хоразм вилояти.

- Сиз ишга кираётганингизда ҳайдовчилик гувоҳномаси борлигини сўрашган ва ҳайдовчилик гувоҳномангизни кўриб, кейин ишга қабул қилингансиз.

Ҳозир бу гувоҳнома сизга йўқ ва ҳайдовчилик қила олмайсиз.

Шунинг учун сизга маъмурият томонидан малакангиз, маълумотингиз ва соғлиғингизга тўғри келадиган бўш ўринлар бўлса, сизга таклиф қилиниши керак. Агар таклифга рад жавоби берсангиз, ёки бўш ўринлар бўлмаса, унда сизни Меҳнат Кодексининг 100-моддаси II- бўлим, 2-банди билан малакангиз етарли эмас деб, ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида нафақа тўлаш шарти билан вазифангиздан озод қилишингиз мумкин.

***

-Ишга қабул қилинадиган ёш тўғрисида маълумот берсангиз?

Д.Раҳматова, ўқувчи.

- Ишга қабул қилинадиган ёш Меҳнат кодексининг 77-моддасида кўрсатиб ўтилган. Қонун бўйича ун олти ёшдан ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Ун беш ёшдан ҳам ишга қабул қилиниши мумкин. Бунда албатта ота-онасидан бирининг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги бўлиши шарт.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларини ун тўрт ёшга тўлганларидан сўнг ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги билан болаларнинг соғлиғига ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш пайтларида бажариш учун ишга қабул қилиниши мумкин.

***

- Қандай мурожаатлар кўриб чиқилмайди? Бошқа одамнинг фойдасини кўзлаб мурожаат қилса бўладими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

К.Сарваров, Самарқанд шаҳри.

- 6 май 1994 йилдаги «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Узбекистон Республикасининг Қонунига асосан, мурожаатларда фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ва таклиф, ариза ёки шикоятнинг моҳияти баён этилмаган бўлса, бу аноним хат ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Шу қонунга мувофиқ Узбекистон Республикасининг фуқаролари бошқа шахслар ва ташкилотларнинг фойдасини кўзлаб мурожаат қилишлари мумкин.

Фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам ушбу Қонунга мувофиқ мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

***

- Ишимиз фуқароларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ. Айрим вақтларда график асосида байрам кунлари ҳам ишлашга тўғри келади. Унда меҳнатга ҳақ тўлаш қандай бўлади?

О.Муҳаммадиев, Тошкент шаҳри.

- Меҳнат Кодексининг 157-моддасида бу ҳақда кўрсатиб ўтилган. Қонуннинг мазкур моддасига мувофиқ байрам кунлари ишга жалб қилинган ходимларга шу кунлари учун камида икки ҳисса миқдорида иш ҳақи тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори муассасада қабул қилинган жамоа шартномасида кўрсатилган бўлиши керак. Агар жамоа шартномаси тузилмаган бўлса, бу ҳақ иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади.

Байрам куни ишга жалб қилинган ходимнинг иштимосига кўра бошқа дам олиш куни берилиши ҳам мумкин. Бу вақтда ходимга камида бир ҳисса миқдорида меҳнат ҳақи тўланади.

***

- Иш куним давомида аппаратураларнинг олдидан бошқа ёққа кетишим мумкин эмас. Ҳаттоки овқатланиш учун ҳам жойимдан кетолмайман...

С.Мансурова, Навоий шаҳри.

- Биринчидан, ишга қабул қилинаетганингизда Сизга иш шароитлари тушунтирилган бўлиши ва буларга розилик бўлиб ишга қабул қилинишингиз керак эди. Сўнгра иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузилиши лозим эди.

Иккинчидан, Меҳнат кодексининг 127-моддасида ишлаб чиқариш шароитига кўра дам олиш ва овқатланиш учун танаффус беришнинг имконияти йўқ ишларда ишлаётган ходимга иш берувчи иш вақтида овқатланиб олиши учун шароит яратиб бериши шартлиги кўрсатиб ўтилган.

Шу сабабли, шароит бўлмаса, иш берувчи раҳбардан қонуннинг бажарилишини талаб қилишга ҳақлисиз ва бу ҳақда касаба уюшма қўмитасини хабардор қилиб қўйиш керак бўлади.

Халқаро шарҳ

ХУНРЕЗЛИКНИНГ ЖИРКАНЧ ТАРИХИ

Террорчилик жиноятлар орасида энг оғир бўлиши билан бирга, энг қадимийлиги билан ҳам ажралиб туради. Ибтидо чоғлардаёқ ҳали онги тўла ривожланмаган одамлар арзимаган нарсаларни — чайла қуриш учун кафтдек ер, овлаш учун ёввойи буқа ёки яна бошқа нарсаларни талашиб, бир-бирларига хуруж қилганлар, суиқасд уюштирганлар. Бироқ жиноятнинг бу ибтидоий кўринишини биз оддийгина қилиб «яшаш учун кураш» деб атаймиз. Бугунчи? Яшаш учун энг майда-чуйда шароитларгача яратилган ва тараққиёт асри деб аталган бир пайтдачи? Нима учун одамлар ҳамон бир-бирига суиқасд уюштиради, бегуноҳлар қонини тўкади? Бу жумбоқ ҳамон ечилмасдан келаётир.

Инсон тараққиёт даврига қадам қўйган бўлса-да, ҳамон унинг нафсини «лиқиллатадиган» пул, бойлик, ҳокимият, маишат каби тушунчалар мавжуд. Ана шу ҳузур-ҳаловатларга муккасидан кетиш ва уларга эришиш йўлида ҳеч нарсадан қайтмаслик ҳисси туфайли инсон қўлини ҳатто қонга ботиришдан ҳам тоймайди. Ана шундай қонхўрлик, зўравонлик, ваҳшийлик тушунчаларидан келиб чиқадиган маъноларни биргина мудҳиш сўз — террорчиликда жам бўлган.

Террорчилик қўҳна илдизларга эга. Айни дамда, унинг бугунги кунлаги томирлари ниҳоятда кенг. Айниқса, 20 асрнинг иккинчи ярмида бу жиноят сайёрамизнинг ўнлаб мамлакатларида минглаб одамлар ҳаётига раҳна солди. Террорчилар қанчадан-қанча ёрқин шахслар, дунё айвонида тинчликпарварлик ғояларини дастуриламал қилган сиёсатчилар ҳаётига зомин бўлмади дейсиз! Улар орасида Махатма Ганди, Индира Ганди, Раджив Ганди, Анвар Саъдат, ака-ука Жон ва Роберт Кеннедилар, Мартин Лютер Кинг каби машҳур арбоблар бор. Улар ҳаётдан эрта кўз юммаганларида умумжаҳон тинчлиги, инсоният фаровонлигини мустаҳкамлаш бобида не-не хайрли ишларни қилган бўлардилар!

Террорчилар қўлида ҳалок бўлувчилар орасида кўпгина ҳолларда сиёсатга умуман алоқаси бўлмаган зиёлилар, санъаткорлар, бир сўз билан айтганда, маънавият даҳолари ҳам учрайди. 1997 йилнинг 25 июнида оламга машҳур модельер — италиялик Джанни Версаче отиб ўлдирилди. Дунёнинг юзга яқин давлатларида мода марказларини очган бу машҳур тикувчининг йиллик даромади 1,3 триллион лирни ташкил этарди. Бироқ Джанни Версачени ўлдирган одамга унинг бойлиги керак бўлмаган. Модельернинг ўйидан бирорта нарса ўғирланмаган. Демак, Версаче ҳам террорчилик қурбони бўлган. Унинг оламшумул шуҳрати, жаҳон мода бозоридаги қўтқули ўрни кимгадир халақит берган...

Террорчиликнинг яна бир манфур омилларидан бири — шунчаки кимнингдир (масалан, давлат раҳбарларининг) «қитиқ патига тегиш», ё бўлмаса мамлакатда беқарорлик, тўс-тўполонни юзага келтириш мақсадларидир. Бу қора мақсадни амалга ошириш йўлида террорчилар бир эмас, бир йўла ўнталаб бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкадилар. Бечора қурбонлар нима учун, не мақсад йўлида ҳаётдан кўз юмаётганликларини ҳам билмай қолишади. Террорчилар қўлидан бир вақтнинг ўзида кўплаб инсонларнинг ҳалок бўлиши ҳолларига анчагина мисол келтириш мумкин. Мюнхендаги 1972 йилги Олимпия ўйинларида исроиллик спортчиларнинг ўққа тутилганлиги, 1996 йили Лима террорчилари томонидан 500 дан ортиқ бегуноҳ кишиларнинг ўлдирилгани, Япония метроларида одамларни газ билан заҳарлаш ҳолларини эслаб ўтиш кифоя. Сўнгги вақтда эса айрим Шарқ мамлакатларида ислом экстремистлари томонидан минглаб кишиларнинг ваҳшиона ўлдирилаётганлиги бутун дунёни ларзага солмоқда. Жумладан, Жазоирда салкам етти йиллан бери давом этиб келаётган террорчилик оқибатида мамлакатнинг 70 мингдан ортиқ аҳолиси нобуд бўлди. Жазоир террорчилари қўлида хорижий фуқаролар ҳам ҳалок бўлмоқда. 1997 йили охирида Луксорда бўлган хунрезлик оқибатида эса Япония, Франция, Германия, Швейцария ва бошқа мамлакатлардан Миср эҳромларини томоша қилиш учун келган 69 нафар сайёҳ ҳалок бўлди.

Албатта, бирор давлат ҳудудида содир этилган террорчилик инсон ҳаётига зомин бўлиш билан бирга, шу мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсига жиддий путур етказиши шубҳасиз. Террорчилар баъзида ўз жиноятларига ана шу жиҳатни бош мақсад қилиб оладилар. Шунингдек, айрим мамлакатлар террорчилик оқибатида асосий даромад манбаидан маҳрум бўлишлари, оқибатда жуда катта иқтисодий зарар кўришлари мумкин. Жумладан, Луксорда содир бўлган жиноят кўпгина хорижий ва халқаро сайёҳлик фирмаларининг Мисрга бўлган ихлосини кескин қайтарди. Кўпгина давлатлар ўз фуқароларини Миср саёҳатига юбормасликка қарор қилдилар. Сайёҳлик йўналишларининг Мисрни четлаб ўтиши эса бу мамлакат учун катта зарар келтириши турган гап.

Шубҳасиз, жаҳон ҳамжамияти томонидан 20 асрнинг энг даҳшатли жинояти бўлган террорчиликни бартараф этиш йўлида катта ишлар қилинмоқда. Бу борада қатор халқаро ташкилотлар томонидан муҳим ҳужжатлар қабул қилинган, террорчилик билан курашга катта кучлар сафарбар этилган. Европа Кенгаши терроризмни тугатиш тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилган. Америка давлатлари Ташкилоти бу борада Лима Декларациясига асос солган. Араб мамлакатлари Лигаси эса террорчилик билан кураш Кодексини яратди. Сўнгги йилларда Оттава, Париж, Денвер шаҳарларида террорчиликка қарши кураш масалаларини муҳокама этиш учун жаҳоннинг йирик давлатлари вакиллари бир неча бор учрашдилар. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, террорчиликка қарши курашиш йўлида дунёнинг барча давлатлари ўзаро ҳамжиҳатликда ва келишган ҳолда ҳаракат қилмоғи даркор. Шу маънода, давлатларнинг террорчиликни бартараф этиш борасида иккитомонлама ҳамкорликни йўлга қўйишлари мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳамкорликларни тобора кўпайтириш ва бутун жаҳонда террорчиликни тугатишга эришиш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланган. Зеро, бугун бу муаммо ҳал этилмас экан, эртанги авлод хавфсизлиги жиддий рахна остида қолади. Сўзимнинг интиҳосида эса манфур вабо — террорчилик бизнинг озод ва нурли диёримизга ораламагани учун Яратганга беадад шукроналар қилишни лозим биламан. Оллоҳнинг Ўзи бу синоатдан бизларни асрасин!

Хайрулло НУРИДДИНОВ, шарҳловчи.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Тожикистондаги сиёсий вазиятни барқарорлаштириш йўлида ижобий қадам қўйилди. Ўтган жумада республика Президенти И.Раҳмонов мухолифат раҳбари миллий яраш комиссиясининг раиси Саид Абдулло Нурий билан учрашган.

Натижада бир ҳафталик фаолиятсизликдан сўнг яраш комиссияси яна ўз ишини бошлаган. Комиссия бундай хулосага келиши ҳақида матбуот конференциясида тўхталган Нурий жаноблари «...мамлакатдаги тангликни енгиш учун шундай қилинди»-деган.

***

Эрон радиосининг тарқатган хабарича, Тожикистонда миллий яраш комиссиясининг қайтадан иш бошлаганлигини Эрон ҳукумати олқишлаган ва шу билан бирга Тожикистон иқтисодини тиклашга ҳар томонлама ёрдам беражаклигини билдирган.

***

Россия Думасининг бошлиғи Геннадий Селезнёв расмий ташриф билан Душанбега келган. Ушбу ташриф бу юқори мақомдаги раҳбарнинг республикага дастлабки ташрифидир. Г.Селезнёв ташриф мобайнида Тожикистон Президенти И.Раҳмонов, республика бош вазири, ташқи ишлар вазири ва республикада фаолият кўрсатаётган тинчликни сақловчи кучлар вакиллари билан учрашмоқчи.

***

«Маяк» радиосининг берган хабарига қараганда, Американинг Флорида штатидан учирилган фазо кемаси космосда парвоз қилиб юрган «Мир» станцияси билан туташган. «Наса» программасига мувофиқ кема экипажи бир неча кун биргаликда иш олиб бориши режалаштирилган. Америкалик астронавтлар орасида Қирғизистонда туғилган асли ўзбек- Россия фуқароси бўлган Солижон Шарипов ҳам бор. Учишни уюштирувчи группа вакили Андрей Майбораданинг сўзларига қараганда Солижон анча тажрибали учувчи, у 1992 йилдан бери парвозга тайёргарлик кўрган.

***

Туркманистонлик бир гуруҳ мутахассислар Москвага келган. Улар Россиянинг «Газпром» концерни раҳбарлари билан туркман газини МДҲ давлатларига етказиб бериш ҳақидаги узоқ муддатга мўлжалланган битим ҳамда яқин орада амалга ошириладиган газни Россия ҳудуди орқали Украинага олиб бориш тўғрисида музокаралар олиб бормоқдалар.

Қишлоқ спорти

ЧЕМПИОНЛАР ОРАМИЗДА, БИРОҚ...

- Санкт-Петербург шаҳрида таэквандо бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида,- деди Урта Чирчиқ тумани ҳокимининг муовини Ҳамид Норқулов.- Узбекистон терма командаси таркибига кирган Алевтини Ким, Луиза Сагиддинова, Инна Хегай, Феруза Султонгараева, Евгения Канлар кумуш медаль совриндори бўлдилар. Яккама-якка баҳсларда Алевтина Ким ўз вазни бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль билан тақдирланди. Луиза Сагиддинова, Моисей Ногайлар кумуш медаль олишга сазовор бўлдилар. Бу албатта узлуксиз машғулоту тинимсиз меҳнат натижасидир.

15 жамоа ва деҳқон, фермер хўжаликларини ўзига бирлаштирган туман қишлоқ туманларидан бири ҳисобланади. Дунёга танилган спортчилар чиққан туманда физкультура ва спортнинг оммавийлигига муносабат қандай?

- Тўйтепа шаҳрининг 70 йиллик тўйи муносабати билан,-деди туман ҳокимлигининг физкультура ва спорт қўмитаси раиси Мирмаҳмуд Миржалолов, - футбол жамоалари ўртасида мусобақалар ўтказдик. 15 та жамоа ва деҳқон, фермерлар уюшмаси, 8 та ташкилот ва битта оилавий футбол жамоалари ўртасида туман кубоги учун беллашув бўлди. Деярли ҳамма жамоаларнинг ёшлари ўйинга, юқори натижани эгаллашга иштиёқлари баланд эканлигини кўрсатдилар, маҳоратларини ишга солдилар.

Маълум бўлишича, «Қорасув» деҳқон, фермерлар уюшмаси, «Янги турмуш» жамоа хўжаликлари раислари Турғун Орипов ва Рахматилла Ҳикматовлар янги стадионлар қурилиши, спортчиларни кийим-кечаклар билан таъминлашга бош-қош бўлмоқдалар. Спортчиларнинг машғулот ўтказишлари учун зарур шароитлар яратиб бердилар. Натижада футбол жамоалари учрашувларда дуруст ютуқларни қўлга киритишди. Бироқ, тумандаги мавжуд 24 команданинг ҳаммасида ҳам аҳвол қувончли деб бўлмайди. Чунончи, «Уртасарой» жамоа хўжалигининг футболчилари транспорт йўқлиги сабабли кўпинча мусобақаларга вақтида етиб бора олмай қолдилар. «Қорасув» пахта тозалаш заводи командасига эса завод маъмурияти етарли эътибор бермаганлиги сабабли машғулот ўтказа олмаётир. Негаки ҳанузгача стадион йўқ, устига-устак ёшлар маълум вақтларда ишлаб чиқаришдан озод этилмайди. Булар албатта учрашувларга салбий таъсирини кўрсатмай қолмаётир.

Ўтган йили вилоят солиқ тизими командалари ўртасидаги мусобақа ғолиби бўлган туман «Солиқчи»командаси футболчилари ҳам зарур шароитлар яратилмагани туфайли ўтган йилда яхши ўйин кўрсата олмадилар.

Вилоят касаба уюшмаларининг вилоят хотин-қизлари ХУIII спартакиадасида туман спортчиларидан Ирина Ким, Татьяна Тё, Эллада Олтбисбоева, Светлана Линлар стол тенниси бўйича юқори натижаларни кўрсатдилар. Албатта бу ғалабада болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси Трофим Хегайнинг ҳиссаси катта. Лекин биринчи навбатда машғулотлар учун яратилган шароит, анжомлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ана шундай шароит бошқа жойларда ҳам яратилса,турли корхона ва фирмалар командаларга моддий ёрдам берганида эди спорт янада оммавийлашган бўлур эди. Юқорида тилга олинган спартакиадада спортнинг 14 тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Спортнинг қатор турлари бўйича туман вакиллари кўнгилдагидай даражада қатнаша олмадилар. Нимага?

Саволимизга Урта Чирчиқ туман деҳқончилик саноат мажмуи касаба уюшмалари қўмитаси раисининг спорт ишлари бўйича ўринбосари Ҳаким Умаров, туман халқ таълими бўлими болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори Акбар Тошматовлар қуйидагича жавоб бердилар.

- Ҳамма нарса маблагга бориб тақалади,-деди Акбар Тошматов.- Мусобақалар ўтказишга, спорт анжомлари сотиб олишга пул керак. Енгил ва оғир атлетика мураббийлари туманимизда умуман йўқ. Ҳозир ишлаб турганлари спортдан чиқиб кетолмайдиган фидойи кишилар, десам асло муболаға бўлмайди. Улар 1300-2000 сўмдан маош оладилар, жамоа хўжаликларидаги спорт ташкилотчилари эса бор-йўғи 600 сўмдан 1800 сўмгача маош оладилар. Устига устак улар яна жамоа хўжалиги раҳбарларининг кундалик топшириқларини ҳам бажариши даркор бўлади...

- Қишлоқларда, - деди Ҳаким Умаров, - стадиондан ташқари спортга алоқадор иншоот йўқ. Қишлоқ терма жамоасига машғулотлар учун алоҳида вақт ажратилмайди. Анжомлар йўқ. Спорт анжомлари...

Буларни ҳозирги кунда жамоа хўжаликлари ҳам, халқ таълими ҳам харид қила олмайди. Масалан, битта футбол тўпининг ўзи минг сўмдан беш минг сўмгача туради. Кундалик машғулотлар ва мусобақалар учун ўртача ўн дона тўп керак бўлади. Сотувдаги тўпларнинг кўпчилиги сунъий чарм-дерматиндан тикилган. У кучли зарбаларга дош беролмайди. Футболчининг махсус оёқ кийими эса 3 минг сўмдан 7 минг сўмгача. Буларни савдо тармоқларидан топиш анча мушкул. Ҳаммаси тижоратда, нақд пулга.

Ҳар бир мусобақа учун транспорт харажатидан ташқари зарурати бўлганида етоқ жой, овқатланиш учун маблаг керак бўлади. Мусобақаларда олдинги ўринлар учун курашиш ҳар бир спортчининг мақсадидир. Шундай экан, биринчи навбатда қишлоқ спорти учун ҳам малакали тренерлар жуда зарур. Бундай кишиларни ишга жалб қилиш учун яхши маош, рағбат керак бўлади.

Собиқ «Пахтакор»чи марҳум Владимир Федоров, жаҳон чемпиони Алевтина Кимлар гўшаси Урта Чирчиқ туманида ҳали номлари тилга олинмаган кўплаб бўлгуси чемпионлар бор. Уларни республикамизга, дунёга танитириш учун физкультура ва спортни бўш вақт учун эрмак, деган қарашларни йўқ қилиб, бу ҳаётимиз, соғлигимиз, миллий ғуруримиз учун зарур бўлган бир тармоқ, деб билиб, кенг қуламда ташкилотчилик ишларини олиб бориш бугунги куннинг вазифаси. Эртанги куннинг таниқли кишиларини бугун маҳаллалардан, мактаблардан қидириш, уларга ўз маҳоратларини ошириш, ўзлигини намоён этишлари учун шароит яратиш жамоа хўжаликлари, ташкилот ва корхоналарнинг, мактаб ва туман раҳбарларининг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Истеъдод бир кунда намоён бўлмайди. Уни тарбиялаш, юзага чиқариш учун тинимсиз меҳнат, фидойилик талаб этилади. Физкультура ва спортни ривожлантириш, унинг оммавийлигини таъминлаш ҳақида ҳукуматимиз қарорларида бажарилиши керак бўлган долзарб вазифалар аниқ баён этилган. Уни амалда қўллаш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифасидир.

Темур ҲАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

Спорт • Спорт • Спорт •

Кикбоксинг

Қирғизистоннинг Такмок шаҳрида Осиё давлатларининг энг кучли ёш кикбоксчилари йиғилишди. Бу сафарги Халқаро турнирда 250 нафардан ортиқ 20 клуб спортчилари кикбоксингнинг лоу-кик (тулиқ алоқада) усули бўйича беллашдилар. Турнирда мамлакатимиздан фақатгина «Биллур» спорт клуби иштирок этган бўлса-да, юртдошларимиз 12 та медаль (7 олтин, 4 кумуш ва 1 бронза) эгалари бўлишди ва умумжамоа ҳисобида ҳам шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилишди.

Мусобақа натижаларига кўра юртдошларимиздан Раҳим Қамбаров (67 кг), Акбар Акромов (60), Ҳуснидин Сатторов (57), Ҳусайн Қамбаров (54), Темур Муҳаммаджонов (51), Саъдулло Нарзиев (46) Александр Цой (44)лар биринчи, Зоиржон Бўриев (63,5), Виталик Жан (48), Бахтиёр Абдуллаев (45), Альберт Сулаймонов (44) лар иккинчи ва Ринат Муҳамедов (42) учинчи ўринларни эгаллашди.

Ўзбекистон терма жамоаси «такмок» халқаро турнирида жаҳон чемпионлари Акмал Зокиров, Олмос Юсуфов, Руслан Дадахоновлар мураббийлигида иштирок этдилар.

Гимнастика

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида анъанавий тус олган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби асосчиси, марҳум К.Жуманиёзов хотирасига бағишланган 5-анъанавий турнир бўлиб ўтди. Унда вилоят ёш гимнастикачилари билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент вилоятидан йиғилган 100 га яқин спортчилар мусобақа шоҳсупасини нишонга олиб беллашдилар. Икки кун давом этган қизиқарли курашларда урганчлик Алеся Передрей, Катерина Тё, Татьяна Тё, Шаҳноза Уринтоева, Интизор Ҳудойберганова, нукуслик Айнур ва Айсулу Ташпулова ҳамда Салтанат Урозовалар мусобақа ғолиблари бўлишди.

Шахмат

Вейк-Ан-Зее. Ўтган ҳафта Нидерландияда шахмат бўйича шу йил ФИДЕнинг 18-тоифасини олишга муваффақ бўлган анъанавий турнирга старт берилди. Уни 14 иштирокчиси сафида жаҳон чемпионлари россиялик Гарри Каспаров ва украиналик Василий Иванчуклардан ташқари деярли барча энг кучли гроссмейстерлар дона суришмоқда.

Беллашувларга қўрқа ташлангач, иштирокчилар қуйидаги рақамларни олишди: 1. Владимир Крамник (Россия), 2. Фрисо Нийбор (Нидерландия), 3. Майкл Адамс (Англия), 4. Борис Гельфанд (Белоруссия), 5. Алексей Широв (Испания), 6. Ян Тимман, 7. Люк ван Вели (иккиси ҳам Нидерландиядан), 8. Валерий Салов (Россия), 9.Вишванатай Ананд (Ҳиндистон), 10. Веселин Топалов (Болгария), 11.Юдит Полгар (Венгрия),12. Пауль ван дер Стеррен (Нидерландия), 13. Анатолий Карпов (Россия), 14. Йерун Пикет (Нидерландия).

Россиялик Владимир Крамник мусобақаларни муваффақиятли бошлади, десак муболаға бўлмайди. У дастлабки уч ўйинда 3 та очко тўплади. Виши Ананд ҳисобида 2,5 очко бор. Борис Гельфанд ва Веселин Топаловлар 2 очкодан йиғишди.

Теннис

Австралияда теннис бўйича мамлакат очиқ чемпионати мусобақалари қизғин палларга кириб бормоқда. Жаҳон теннис таснифи (ПТА) да 4-ўринни эгаллаб турган швециялик машҳур теннисчи Жонес Бьоркман франциялик Фабризо Санторони 7:5, 6:3, 6:4 ҳисобда мағлубиятга учратди. Яна бир швециялик теннисчи Магнос Густовссон эса ПТА таснифида биринчи ўринда турган Пит Сампрас билан бўлган учрашувда имкониятни бой берди.

Аёллар учрашувида эса ПТА таснифида 4-ўринда бораётган хорватиялик Ива Майоли тайландлик Танасугарнга кутилмаганда 6:0, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлса, америкалик 17 ёшли Винус Уильямс францияли Мореcмо устидан 6:1, 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди.

Баскетбол

Баскетбол бўйича миллий баскетбол уюшмаси (НБА) чемпионатининг навбатдаги учрашувлари бўлиб ўтди. «Ковалёв» жамоаси «сакраменто» клубини 119:96 ҳисобида енгган бўлса, «Клиппер»с жамоаси Лос-Анжелосда «Дейтрот» командасига 76:94 ҳисобида имкониятни бой берди. «Шарлотт» ҳамда «Хьюстон» жамоалари учрашуви эса 93:86 ҳисобида «Шарлотт»чилар ҳисобига ҳал бўлди.

Бокс

Нью-Йорк. WBA таснифига кўра 57,2 кг вазн тоифасида рингга чиққан англиялик Шаҳзода Насим Ҳамид америкалик Кевин Келлини нокаутга учратди. Энди бу ғалабаси билан Насимнинг профессионал боксчиларнинг кучли ўнлигидан ўрин олишига шак-шубҳа йўқ. Чунки у кейинги кетма-кет ўтказган 29 учрашувнинг 27 тасида рақибларини нокаут билан енгиб, барчасини ғалаба билан якунлашга эришди.

Лондон. 76,2 вазнли Барселона олимпиадаси бронза медали совриндори англиялик Робин Рейд кутилмаганда Жанубий африкалик Тьюлейн Маменгага очколар ҳисобида имкониятни бой берди. Бу Робиннинг сўнгги 25 учрашувидаги биринчи мағлубиятидир.

Донийёр ЮСУПОВ.

ҒАЛВИР

(Масал)

Кўк майса ўсарди шовуллаб, дуркун,
Савр ойи эди, кунлардан бир кун.
Сувнинг юзасида келарди қалқиб,
Бегона ўтларнинг уруғи оқиб.
Эгат-эгат сари секин тарқалди,
Сув тортилгач, улар тез томир олди:
Кампир чопон, кўк мараз ва чирмовуқ,
Майсанинг олдида ранги кўп совуқ.
Чайир қўлларини ҳар ён ташлади,
Экинга чирмашиб ўса бошлади.
Ва ниҳоят, бўлгач фасли саратон,
Бошоқлар сарғайиб бўлди нуқра дон.
Комбайин гуруллар, тушар бункерга —
Ёввойи ўтларнинг уруғи бирга.
Мошинга ортилиб хирмонга кетди,
Расамад қилингач, қопларга ўтди.
Деҳқонбой ўтириб, олди ғалвирни,
Тегирмонбоп қилиб донни уюрди.
Ўтнинг уруғлари ғалвир кўзидан —
Тушиб кетди пастга ўзи-ўзидан.
Нуқул буғдой қолди ажралиб танҳо,
Чирмовуқ донидан бўлиб мусаффо.

* * *

Турмушнинг ўзи ҳам каттакон ғалвир,
Одамларни шундай ажратар бир-бир.

Абдивой РАҲИМ.

ТАШКИЛОТЛАР, ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

"Исттаьмпр" \Ремтеплосеть\ давлат корхонаси Тошкент шаҳри ва Тошкент шаҳрига яқин жойлашган, Тошкент вилояти туманлари ҳудудида барча диаметрдаги эски иссиқлик тармоқларини янгилайди, янги шаҳобчаларни қуради. Шунингдек, қозонхоналарни монтаж қилади ва таъмирлайди. Барча зарур материаллар корхонада бор.Буюртмачиларнинг материаллари асосида ҳам иш олиб борилади.

Манзилимиз: Тошкент-100, Бобур кўчаси,51 /собиқ Фрунзе савдо маркази ёнида/
Телефонлар: 55-44-58,55-42-38.

"ПГС" ФИРМАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

Ресторанлар, кафе ва ошхоналар, ишлаб чиқариш ва маиший бинолар, шоқиносиз юқори самарали иситиш учун ҳар хил қувватдаги иситгичлар — калориферлар.

Нархи 45000 сўмдан 50000 сўмгача.

Ташкилот ва корхоналардаги; шифохона, санаторийлардаги; дам олиш уйлари, меҳмонхоналардаги; спорт комплексларидаги ҳаммомларнинг САУНАлари учун махсус даволаш электр ускуналари.

Кичик нонвойхоналар \4 хилдаги: 160,80,32 ва 8 буханка нон пишириш қувватига эга

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри С.Раҳимов метро бекати. Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54.

Тошкент шаҳар 228-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Станислав Евгеньевич Цай номига берилган O'R - B 022501 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ҳамза туманидаги «Ол-Фрол» хусусий фирмаси ТУГАТИЛАДИ. Даъволар муддати — бир ой.

Тел: 56-75-19

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси газетанинг Қашқадарё вилоят мухбири Аҳрор Самариддиновга волидаи муҳтарамаси **Бодом ая УМИРОВА** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ИШОНЧ

Бош муҳаррир: Саидакром САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Л.ГУЛЬ, Э.ЁҚУБОВ, Ф. МУЛЛАЖОНОВ, М. ОТАҚУЛОВ, А.СИЛЕЕНКОВ, А.СУЛТОНОВ, М.ТУЛАГАНОВА, Р.УБАЙДУЛЛАЕВА, Б.УМУРЗОҚОВ, А.ФАРМОНОВ, Ф.ҲОЖИҚУЛОВА, Х.ШАЙХОВ, Ф.ШОҲИСМОИЛ, З.ҚОДИРОВ.

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-82-18, Намаганда - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Узбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ЎВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1—уй. Буюртма Г— 0912. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 21. 00 Масъул навбатчи: Довур ЖОЗИЛОВ. 123456